УНИВЕРСИТЕТ ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

«ОБЕСПЕЧЕНИЕ ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ: НАЦИОНАЛЬНЫЙ И ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ»

сборник материалов по международной научно-практической конференции (26 апреля 2023 года)

I том

Ташкент-2023

Утверждено редакционной коллегией
Университета общественной безопасности Республики Узбекистан

Утвержден протоколом № 9 от 6 мая 2023 года Ученого совета Университета общественной безопасности Республики Узбекистан

У-33 «Обеспечение общественной безопасности: национальный и зарубежный опыт»: сборник материалов международной научно-практической конференции (26 апреля 2023 года). – Т.: Университет общественной безопасности Республики Узбекистан, 2023. – 412 ст.

Ответственный редактор:
Рустамбаев М.Х.
Редакционная коллегия:
Селиманова С.М.;
Миразов Д.М.;
Исмаилов И.;
Ярашев Б.Ч.;
Турсунова С.Р.
Подготовил к публикации:
У.Ш. Таллибаев

В сборник вошли материалы международной научно-практической конференции «Обеспечение общественной безопасности: национальный и зарубежный опыт», состоявшейся 26 апреля 2023 года в Университете общественной безопасности Республики Узбекистан. В нем обсуждаются текущие положение обеспечения общественной безопасности, в частности, Республике Узбекистан и развитых зарубежных государствах, а также пути совершенствования обеспечения общественной безопасности и общественного порядка.

Рекомендуется к использованию научным-сотрудникам, магистрантам, слушателям, студентам и курсантам высших учебных заведений республики.

ББК 67.4/67.9 (5Uz)
УДК 34.09 (575.1)

Авторы несут ответственность за содержание статей, включенных в сборник, и правильность высказанных мнений.

©Университет общественной безопасности Республики Узбекистан, 2023.

ВСТУПИТЕЛЬНОЕ СЛОВО

Рустамбаев Мирзаюсуп Хакимович

Начальник Университета общественной безопасности Республики Узбекистан, доктор юридических наук, профессор, Заслуженный юрист Республики Узбекистан, полковник

Уважаемые участники и гости конференции!

Прежде всего хочу поприветствовать и поблагодарить всех гостей и участников конференции, за ваше участие и поддержку!

Уважаемые участники конференции, я приветствую всех вас и рад сообщить, что наша встреча посвящена одной из важнейших тем в нашем обществе - обеспечению общественной безопасности. Эта проблема стоит на первом месте в списке главных задач государства и общества в целом, так как безопасность является предпосылкой для устойчивого развития экономики, компетентного управления и обеспечения благосостояния граждан.

В современном мире по-прежнему сохраняются угрозы, общественной безопасности и тем самым предупреждение и борьба с ними имеет большое значение как стратегическая задача в политике государства.

Современный этап развития Республики Узбекистан характеризуется усвоением опыта мирового сообщества в установлении гармоничных отношений между личностью и государством. В Стратегии развития нового Узбекистана в рамках второго направления «Превращение принципов справедливости и верховенства закона в основополагающее и необходимое условие развития страны» отдельно указана цель – обеспечение верховенства закона и конституционной законности, а также определение чести и достоинства человека в качестве главного критерия данного процесса.

Следует отметить, что необходимым условием развития общества является обеспечение кибербезопасности, что может быть достигнуто за счет создания и совершенствования правовых основ безопасности. Обеспечение общественной безопасности заключается в осуществлении различных мер по обеспечению

охраны жизни и здоровья людей, их чести и достоинства, защите прав, свобод и законных интересов граждан, интересов предпринимателей и т.д.

В ходе конференции мы обсудим национальный и зарубежный опыт в области обеспечения общественной безопасности, обменяемся мнениями и опытом и постараемся найти новые пути решения этой важной проблемы. Наши докладчики будут представлять различные сферы деятельности: правительственные структуры, правоохранительные органы, эксперты и научные работники.

Мы уверены, что результаты нашей конференции помогут развитию эффективных механизмов обеспечения безопасности и повышения уровня жизни нашего общества. Желаю всем продуктивной работы и множества плодотворных идей!

Международная научно-практическая конференция **«ОБЕСПЕЧЕНИЕ ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ: НАЦИОНАЛЬНЫЙ И ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ»** является одним из механизмов обмена мнений, передовом международном и отечественном опыте в области кибербезопасности. Я верю, что наша международная конференция достигнет своей цели и что сегоднящнее мероприятие будет способствовать дальнейшему укреплению сотрудничества на международном уровне по методам и средствам обеспечения кибербезопасности в информационно-коммуникационных технологиях.

На сегодняшнюю конференцию приглашены представители высших военных учебных заведений ряда зарубежных стран. В том числе,

1) Новосибирский военный институт Национальной гвардии Российской Федерации;

2) Санкт-Петербургский военный институт Национальной гвардии Российской Федерации;

3) Саратовский военного ордена Жукова Краснознаменный институт войск национальной гвардии Российской Федерации»;

4) Новосибирский военного ордена Жукова институт имени генерала армии И.К. Яковлева войск национальной гвардии Российской Федерации;

5) Пермским военным институтом войск национальной гвардии Российской Федерации

6) Академия МВД Республики Беларусь.

7) Военная академия Республики Беларусь

8) Карагандинская академия МВД Республики Казахстан им. Б.Бейсенова

9) Алматинской академией МВД Республики Казахстан имени Макана Есбулатова

10) Академией Национальной гвардии Республики Казахстан

11) Академия Полиции МВД Азербайджанской Республики

12) Военный институт Министерства обороны Республики Таджикистан

А также наши высшие учебные заведения провоохранительных органов, соответствуюшие организации и учреждения.

Уважаемые участники конференции!

Надеюсь, что ведущие зарубежные и отечественные ученые, профессорско-преподовательский состав, исследователи и практики, собравшиеся сегодня на нашей международной научно-практической конференции, выскажут свои мнения и предложения по этим вопросам.

В заключение, пользуясь данными мне полномочиями, объявляю открытой международную научно-практическую конференцию **«ОБЕСПЕЧЕНИЕ ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ: НАЦИОНАЛЬНЫЙ И ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ»** и желаю всем участникам творческих успехов!

Спасибо за внимание.

ОСНОВНАЯ ЧАСТЬ

Джураев Рустам Мирзаевич
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ВА МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотатсия: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ва Миллий гвардия ўртасида жамоат хавфсизлиги ва тартибини таъминлаш масалаларида ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига тўҳталиб ўтилиб ушбу соҳани ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган

Калит сўзлар: Миллий гвардия, Ички ишлар органлари, жамоат хавфсизлиги, жамоат тартиби, оммавий тадбир, ҳамкорлик

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда халқимизнинг бахтли ҳаёти учун, олис келажакда эмас, балки бугунги кунда, яхши яшаши, муносиб ҳаёт кечириши ва барча имкониятлардан баҳраманд бўлишини таъминлашга қаратилган халқпарвар тизимни йўлга қўйиш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг еттита йўналиши бўйича Тараққиёт стратегияси жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги, хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари соҳасида ислоҳотларнинг «йўл харитаси»га айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг таъбири билан айтганда, «халқимиз Яратгандан, аввало, тинчлик-хотиржамликни сўрайди. Шундан сўнг, ўз уйим, бошпанам бўлса, оилам, бола-чақам билан соғ-саломат яшасам, дейди. Биз халқимизнинг ана шундай орзу-ниятларини рўёбга чиқариш учун иккита масалага, яъни ички ишлар ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга катта эътибор қаратаяпмиз»[1].

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунининг қабул қилиниши сўнг 2020 йил 18 ноябр куни «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида »ги қонун ички ишлар органлари ва Миллий гвардиянинг

[1] Шавкат Мирзиёев турли унвонлар, орден ва медалларни ўз эгаларига топширди // Халқ сўзи. – 2017. – 7 дек.

фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши учун замин яратди.[2]

Бугунги кунда юз бераётган ўзгаришларга бефарқ муносабатда бўлиб, ички ишлар органлари билан Миллий гвардия томонидан оммавий тадбирлаарни ўтказиш вақтида жамоат тартибини сақлашга эътибор қаратмасак, тинчлик ва хавфсизликка жиддий зарар етиши мумкин. Ушбу жараёнда юзага келадиган салбий оқибатни ўнглаш кейин жуда қийин бўлади.

Жамият тўхтовсиз тараққий этиб борар экан, барча соҳалардаги каби ички ишлар органлари ва Милли гвардиянинг оммавий тадбирларни ўтказиш вақтида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ҳам ривожлантириш ва такомиллаштиш мақсадга мувофиқ бўлади албатта. Ички ишлар органлари билан Миллий гвардия фаолиятида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган.

“Биз ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш бўйича жиддий ислоҳотларни амалга оширмоқдамиз. Бироқ, очиқ тан олиш керак, ушбу идоралар ҳали халқчил тузилмага, фуқароларнинг чинакам ҳимоячисига айлангани йўқ.

Тизимда жамоат тартибини сақлаш, жиноятларга қарши курашиш ва давлат хизматларини кўрсатиш фаолиятига доир аниқ мезонлар белгиланмаган. Шу сабабли ислоҳотларни давом эттириб, ички ишлар идораларини одамларимизнинг оғирини енгил қиладиган тузилмага айлантириш зарурлигини яна бир бор такрорлаш ўринли, деб биламан”[3]

Ички ишлар органлари билан Миллий гвардия томонидан оммавий тадбирлар ўтказиш вақтида жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини такомиллаштириш борасидаги анча ишлар қилинишига қарамасдан ушбу йўналишда қуйидаги камчиликларга санаб ўтишимиз мумкин:

Биринчидан Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилаб берувчи аниқ норматив ҳуқуқий ҳужжатнинг йўқлиги;

[2]Ў.Х.Мухамедов “Ҳаракатлар стратегияси асосида ички ишлар органлари тизимидаги исдохотлар” монография Т.2018й Б.211

[3]Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январь кунидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

Иккинчидан. Ички ишлар органлари билан Миллий гвардия томонидан оммавий тадбирларни ўтказиш вақтида жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда ҳамкорликни ташкил этиш бўйича бир қатор камчиликлар мавжуд.

Бу йўналишларга тўхталадиган бўлсак, оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилаб берувчи норматив ҳуқуқий ҳужжатларда камчиликлар кўзга ташланиб турибди. Масалан: Ўзбекистон Республикасида оммавий тадбирлар ўтказилишининг ҳуқуқий асоси бўлган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 29 июлдаги 205-сон (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 июлдаги 559-сонли қарори таҳририда янги ўзгартириш ва қўшимчалар билан) қарорининг таҳлилидан маълум бўладики, унда “оммавий тадбирлар” тушунчаси тўлиқ ёритилмаган, шу туфайли меъёрий ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиш доираси чегараланмоқда. Унда оммавий тадбирлар ўтказилиши учун иштирокчилар сонининг 100 ва ундан кўп кишиларнинг иштирокида ўтказиладиган тадбир қилиб белгиланиши жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда қатнашувчи органларнинг эътиборини чалғитмоқда. Қарор мазмунига қараганда агарда оммавий тадбирда умумий иштирокчиларнинг сони белгиланганидек 100 кишига етмаса, у оммавий тадбир сирасига кирмайди, дея ҳисобланади, мазкур норматив ҳуқуқий ҳужжатда митинг, йиғилиш, намойиш каби тадбирларни тартибга солмаганлиги боис, қарорнинг амал қилиш доираси чегараланиб қолмоқда, холбуки, митинг, йиғилиш, намойиш ҳам мазмунун оммавий тадбирлар сирасига киради. Айни вақтда уларни ҳам ўтказиш ва уларда хавфсизликни тартибга солиш тўғрисида бирон-бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас. Шу боис, митинг, йиғилиш, намойиш ва кўча юришларини тартибга солувчи аниқ қонун ишлаб чиқилиши зарур. Бизнинг фикримизча митинг, йиғилиш, намойиш ва кўча юришларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатни уларни назорат қилиш мақсадида эмас балки уларни ўтказиш давомида, иштирок етаётган фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқиш лозим, чунки митинг, йиғилиш, намойиш ва кўча юришларни ўтказиш фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конститутсияси билан тасдиқлаб қўйилган сиёсий ҳуқуқидир.

Юртимизда қадимдан оммавий тарзда нишонланиб келинаётган кўплаб удум ва маросимлар мавжуд. Шулардан келин ва куёвнинг никоҳ тўйлари, суннат ва бешик тўйлари, каби кўплаб тўй ҳашамларини мисол қилишимиз мумкин. Бу маросимларни республикамизнинг турли вилоятлари ўзларининг маълум бир урф одатларига таянган ҳолда нишонлаб келмоқда. Мазкур тўй ҳашамларда кўплаб кишилар иштирок этади. Уларнинг сони икки юз, тўрт юз ва ундан ҳам ошиб кетиши мумкин. Бундай табирларни ўтказиш вақтида фуқаролар томонидан ҳар хил ҳуқуқбузарликлар содир этилиши мумкин. Шу сабабли ушбу турдаги тадбирларни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2019 йил 14 сентябр кунилаги 2736-III-сон “Тўйлар, оилавий тантаналар, маъракa ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қўшма қарори қабул қилинди.

Бу борада шуни таклиф қилиб ўтишимиз жоизки, жисмоний шахслар томонидан ташкил этиладиган тадбирларга ҳамда тўй ҳашамларда ҳам жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини сақлашда, шунингдек уларнинг тинч ва осойишта ўтишини таъминлашда ички ишлар органларибилан Миллий гвардия томонидан жамоат тартибини сақлаш бўлинмаларининг пуллик шартнома асосида хизмат кўрсатилишини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади албатта.

Ички ишлар органлари билан Миллий гвардия томонидан оммавий тадбирларни ўтказишда, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда улардан етарли билим ва кўникмаларни ҳамда, мазкур йўналишда қабул қилинаётган Ўзбекистон Республикасининг қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тўлиқ билишлари талаб этилади.

Ички ишлар органлари билан Миллий гвардия томонидан оммавий тадбирларни ўтказиш вақтида жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашни самарали ташкил этиши бошқа органлар билан ўрнатилган ҳамкорлигига боғлиқдир.

Фикримизча, ҳамкорлик бу –– Ички ишлар органлари билан Миллий гвардия томонидан оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, корхона, муассаса ва ташкилотлар маҳаллий ҳокимят органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари,билан биргаликдаги уюшган

ҳаракатлари мажмуи бўлиб, у томошабин-қатнашчиларнинг тинч ва осойишта томоша қилишларига, шахслар ва давлат хавфсизлигини таъминлашга, ушбу жараёнларда турли ҳуқуқбузарликлар ёки жиноятлар содир этилишининг олдини олишга қаратилган фаолиятидир.

Республикамизда оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш юзасидан халқаро ҳамкорлик ҳозирча йўлга қўйилмаган. Шунингдек жамоатчилик билан ҳам ҳамкорлик амалга оширилмаётганлиги кўзга ташланмоқда. Бу борада ҳам халқаро хамкорликни йўлга қўйишни, оммавий тадбирларни ўтказишда жамоатчиликнинг кенг ёрдамини жорий этишни такомиллаштириш катта аҳамият касб этади.

Булардан ташқари ҳозирги кунда ташкил этилаётган оммавий тадбирларда жамоат тартибини сақловчи ва фуқаролар хавфсизлигини таъминловчи ички ишлар органлари билан Миллий гвардия томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар, давлат ҳокимяти идоралари билан ҳамкорлиги тўғрисидаги режа кўпинча амалда қўлланилмайдиган ҳолатлар ҳам кўзга ташланиб туради. Оқибатда тадбир ўтказишда хавфсизликни таъминлаш вазифаси фақат битта органнинг зиммасига қолиб кетади натижада айрим ҳудудлар назорати етарли олиб борилмаганлиги боис шу ерларда ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар содир этилиши кўзга ташланади

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясига аҳоли гавжум жойлар ҳусусан ҳиёбонлар, парклар ва бозорларда жамоат тартибини сақлаш бўйича вазифалар ҳам юклатилганлигини сабабли Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2023 йил 3 май куни бўлиб ўтган 40 ялпи мажлисида Миллий гвардия органларига жамоат тартибига тажовуз қилувчи айрим турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича ишларни кўриб чиқиш, баённомалар тузиш ва уларни кўриб чиқиш учун судга юбориш юзасидан кўшимча ваколатлар берилаётганлиги Ички ишлар органлари ва Миллий гвардия бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорликни янада юқори даражага кўтарилиши лозимлигини такидламоқда.

Мамлакатимизда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти шаклланишининг бош омили бу юртимиздаги энг олий қадрият – тинчлик ва барқарорликнинг устуворлигидир. Дарҳақиқат мамлакатимиз тинчлиги, осойишталиги ва барқарорлигини таъминлаш жуда катта аҳамиятга эга.

Юртимизда ўтказиладиган оммавий тадбирларнинг сони ва иштирокчилари ҳам йилдан йилга ортиб бормоқда, бу эса оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда катта эътибор ва маъсулият талаб этади. Бу борада мамлакатимизда оммавий тадбирлар ўтказишни тартибга солиш, оммавий тадбирларда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек ҳуқуқбузарликлар, жиноятчиликларнинг олдини олишга қаратилган бир қатор чора тадбирлар ва норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

Оммавий тадбирларни ўткзишда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролр хавфсизлигини таъминлаш борасида бази бир камчиликлар кўзга ташланмаяпди десак муболаға бўлади албатта.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари ва Миллий гвардиясининг ҳамкорлигини такомиллаштириш жамоат тартибини таъминлаш соҳасидаги энг асосий йўналишлардан биридир. Ушбу ёшналишни такомиллаштириш мақсадида баъзи таклифлар:

Мунтазам алоқа каналларини яратиш: ички ишлар органлари ва миллий гвардия ўртасида расмий ва норасмий алоқа каналларини яратиш. Бунга мунтазам учрашувлар, қўшма тренинглар ташкиллаштириш ва пайдо бўлган муаммоларни ҳал қилиш мақсадида ҳаракатларни самарали мувофиқлаштириш учун маълумот алмашиш.

Қўшма операцион режалаштириш: жамоат тартиби сақлаш соҳасидаги муаммоларни ҳал қилиш учун операцион режалаштиришда ҳамкорликни рағбатлантириш орқали ривожлантириш. Бунга потентсиал ҳавфи юқори бўлган нуқталарни биргаликда аниқлаш, хавфларни баҳолаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш стратегиясини шакллантириш киради. Икки орган ўртасида мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлика ишлашни кучайтириш учун мунтазам қўшма машғулотлар ҳам ўтказилиши мумкин.

Ахборот алмашиш бўйича ҳамкорлик: ички ишлар органлари ва миллий гвардия ўртасида тегишли маълумот алмашиш механизмларини ишлаб чиқиш. Потентсиал таҳдидлар, жиноий ҳаракатлар ёки жамоат тартиби масалалари бўйича ўз вақтида маълумот алмашиш иккала органларга ҳам ушбу ҳавф-ҳатарларга самарали жавоб беришга ёрдам беради.

Таълим ва салоҳиятни ошириш: иккала органлар малакаси ва имкониятларини ошириш учун қўшма ўқув дастурлари ва салоҳиятни ошириш ташаббусларини ташкил этиш. Бунга оломонни назорат қилиш,

инқирозни бошқариш, куч ишлатиш ва инсон ҳуқуқлари бўйича махсус тренинглар ва бошқалар киради. Ўқув машғулотлари ўзаро ҳамкорликни тарғиб қилиши ва бирдамлик руҳини тарбиялаши мумкин.

Аниқ роллар ва мажбуриятлар: жамоат тартибини таъминлашда ҳар бир органларнинг роли ва мажбуриятларини аниқлаш. Бунга юрисдиктсия чегараларини белгилаш, қўшма оператсиялар давомида ҳамкорлик протоколларини ўрнатиш ва бир-бирининг мандатларига ўзаро ҳурматни тарғиб қилиш киради.

Ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш орқали Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ва Миллий гвардия ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва мувофиқлаштиришни кучайтириши, жамоат тартибини янада самарали сақлашга олиб келиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шавкат Мирзиёев турли унвонлар, орден ва медалларни ўз эгаларига топширди // Халқ сўзи. – 2017. – 7 дек.

2. Ў.Х.Мухамедов “Ҳаракатлар стратегияси асосида ички ишлар органлари тизимидаги исдохотлар” монография Т.2018й Б.211

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январ кунидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги 205-сон «Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

Мамаюсупов Сарвар Дехканович
Миллий гвардия қўмондонининг тарбиявий ишлар, кадрлар ва ёшлар масалалари бўйича ўринбосари

ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕСЕКУЛЯРИЗАЦИЯ ЖАРАЁНИНИНГ ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШИГА ТАЪСИРИ

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистонда десекуляр жараённинг ёшлар тафаккурига таъсири, давлатнинг дин ниқоби остидаги экстремизм ва терроризмга қарши кураш сиёсатини амалга оширишдаги ички ва ташқи омиллар ҳамда Миллий стратегиянинг асосий вазифалари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: дин, сиёсат, секуляризация, десекуляризация, экстремизм, терроризм, ёшлар.

Аннотация: В данной статье анализируется влияние десекулярного процесса на мироврение молодежи Узбекистана, рассматривается внутренние и внешние факторы реализации государственной политики противодействия экстремизму и терроризму под прикрытием религии, а также проведён анализ основных задач Национальной стратегии.

Ключевые слова: религия, политика, секуляризация, десекуляризация, экстремизм, терроризм, молодежь.

Abstract. This article analyzes the influence of the desecular process on the worldview of the youth of Uzbekistan, examines the internal and external factors in the implementation of the state policy of countering extremism and terrorism under the guise of religion, and also analyzes the main tasks of the National Strategy.

Key words: religion, politics, secularization, desecularization, extremism, terrorism, youth.

Бугунги кунда жамият дунёвийликдан кейинги даврга ўтганини кўпгина назариялар таъкидламоқда. Дин обрўсини тиклаш замонавий жамият тараққиётини тавсифловчи асосий тенденциялардан бири эканлиги ҳам аксарият қарашларда етакчилик қилмоқда. Икки асрлик секуляризация ўрнини бутунлай дунёвий жамият таклиф қилаётган ғоялардан кўнгли тўлмаган дунёда диний туйғунинг юксалиши эгаллади.

Дин бугунги кунда жаҳон сиёсатининг асосий омили ва воситаларидан биридир. Маърифат даврида, ҳатто ундан олдинроқ Вестфал келишувлари билан ажратилган сиёсат ва дин яна тўлиқ

бирлашиши даргумон, лекин дунёнинг ижтимоий-маданий ўзгаришини инкор этиб бўлмайди... Эҳтимол, диндорликнинг қайта тикланишининг сабабларидан бири (бу ҳолатда Ғарбда) 1990-йилларда биполяр тизимнинг қулаши бўлган. СССР ва АҚШ ўртасидаги мафкуравий кураш билан кечган ўн йилликлардан сўнг, тўлдириш керак бўлган бўшлиқ пайдо бўлди, шу жумладан, америкалик нео-консерватив сиёсатчилар ўз мақсадлари учун жуда муваффақиятли фойдаланадиган илгари йўқолган ва қисман унутилган диний қадриятлар билан тўлдирилди. Бу ҳолда дин янги мафкура қуролидан бошқа нарса эмас эди [1].

Дин инсон фаолиятининг асосий соҳаларига кириб боради: сиёсат, иқтисод, таълим. Десекуляризацияга учраган жамиятнинг энг муҳим соҳаларидан бири сиёсий соҳага айланди. Бугунги кунда дин ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган вазият юзага келди. Ва бу конфессиялар раҳбарларининг дунёвийлик тамойилига амал қилиш талабига қарамай содир бўлмоқда [2, – С.46].

Юқоридаги муаммоларни янада авж олишида, мамлакатлар ёшларининг кайфияти ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Айниқса, десекуляр жараённинг ёшларга таъсирини ўрганишда ёшларнинг кайфияти, уларнинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракати мотивларини билмай туриб, уларни диний ва дунёвий илмларини замонавий маконга муваффақиятли интеграциялашувини таъминлай олмаймиз.

Маълумки, бугун биз глобаллашув ҳар томонлама авж олаётган, шиддатли ўзгаришлар содир бўлаётган мураккаб замонда яшамоқдамиз. Бугунги кунда иқлим ўзгаришлари, экологик муаммолар, радикализм, экстремизм ва терроризм, одам савдоси, наркотрафик каби таҳдидлар бизнинг мамлакатимизда ҳам ечилиши зарур бўлган долзарб вазифалар ҳисобланади [3].

Айниқса, ёшларни дин ниқоби остидаги турли хил таҳдидлардан ҳимоя қилиш, уларнинг онгу-шуурини эгаллашга уринаётган манфур кимсаларнинг асл мақсад-муддаоларини фош қилиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу боис, ҳозирги кунда терроризм биз учун янги, халқаро ва миллатлараро тавсифдаги уюшган шаклларда намоён бўлаётган шароитларда, унга қарши самарали кураш олиб бориш борасида барча давлатлар ва уларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ўзаро ҳамкорлиги ҳамда бу йўналишдаги тўпланган тажрибани биргаликда ўрганиб ишлашни тақозо этади.

Экстремизм ва терроризмга қарши кураш давлатларнинг доимий эътиборини, унинг олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган кўп

қиррали сиёсатни амалга оширишда сабрлилик ва собитликни талаб этади. Шаклланиб, кенг тармоқ отган экстремизм ва терроризмга қарши курашмаган давлатлар заифлашиб, ўз халқи ва мамлакати осойишталиги ва барқарор ривожланишини хавф остида қолдиради. Дарҳақиқат, экстремизм ва терроризм бир-бири билан боғлиқ бўлган ягона жараённинг бирин-кетин ривожланадиган босқичларидир. Шундай экан, экстремизм ва терроризм глобал миқёсга чиққан ҳозирги шароитда, давлат унга қарши курашда ички ва ташқи омилларнинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда, мувозанатлаштирилган стратегияни илгари суриши керак.

Айни пайтда экстремизм ва терроризм билан боғлиқ таъқиқланган ҳар қандай фаолият Марказий Осиёда асосий таҳдидлардан бири бўлиб қолмоқда. Бунда биринчи навбатдаги вазифалардан бири минтақа давлатлари ва халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни тақозо этмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасида ҳам “2021-2026-йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси” [4]ни (кейинги ўринларда Миллий стратегия) қабул қилиниши мазкур ноқонуний фаолиятни мамлакатимиз ва қўшни давлатларда нафақат авж олишини балки, ушбу фаолиятга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирларни ўзида мужассамлаштиради ҳамда бир қатор устувор йўналишлар ва асосий вазифаларни амалга ошириш зарурлигини талаб этади.

Юқоридаги мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, қуйидагилар ”Миллий стратегиянинг устувор йўналишлари этиб белгиланди:

- ватанпарварлик, анъанавий қадриятлар ва бағрикенглик мафкурасини тарғиб қилиш;

- вояга етмаганлар ва ёшлар орасида экстремизм ва терроризм ғоялари тарқалишининг олдини олиш;

- аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг экстремизм ва терроризмга қарши курашишдаги ролини кучайтириш;

- узоқ муддат хорижда бўлган фуқароларни экстремизм ва терроризм ғоялари таъсиридан ҳимоя қилиш;

- Интернет жаҳон ахборот тармоғидан экстремистик ва террорчилик мақсадларда фойдаланишга қарши курашиш;

- фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларини экстремизм ва терроризмга қарши курашишга кенг жалб қилиш;

- экстремистик ва террорчилик ҳаракатларини содир этганлик ҳамда уларни молиялаштирганлик учун ҳуқуқий таъқиб ва жавобгарликка тортиш чораларини такомиллаштириш;

- экстремизм ва терроризмга қарши курашиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

- ушбу соҳадаги халқаро ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш" [4].

XX асрнинг охирларида экстремизмнинг турли кўринишлари дунёнинг кўп мамлакатларида, хусусан, Яқин Шарқ ва Марказий Осиё минтақасида ҳам ўзини намоён эта бошлади. Турли диний экстремистик ташкилотлар ("Ҳизб ут-таҳрир", "Ўзбекистон ислом ҳаракати", "Ироқ ва Шом ислом давлати") янгидан мустақилликни қўлга киритган дунёвий давлатларга таҳдид солишни бошладилар. Улар вақтинчалик қийинчиликларни рўкач қилиб, аҳолини, айниқса, ёшлар онгини ақидапарастлик ғоялари билан заҳарлашга уриндилар. Фарзандларни йўлдан уришга, ўз ота-онасига, ака-укасига, ўзи туғилиб ўсган Ватанига, қарши қўйишга ҳаракат қилдилар. Энг ачинарлиси шундаки, бу оқимлар ҳали ҳануз ўз мақсадларига эришишда онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз, ғўр ёшларни ўз тузоғига илинтириб, улардан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланмоқдалар.

Ҳозирги вақтда экстремизм ва терроризм халқаро хавфсизликка, шу жумладан Марказий Осиёда асосий таҳдидлардан бири бўлиб қолмоқда. Экстремизм ва терроризм хавфи ҳамда таҳдидларига қарши курашиш Ўзбекистон Республикаси учун биринчи навбатдаги вазифалардан бири бўлиб, минтақа давлатлари ва халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси ҳар томонлама ўйланган тинчликсевар, прагматик ва изчил ташқи сиёсатни олиб бориб, экстремизм ва терроризмнинг умумий таҳдидларига қарши курашишда барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун очиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, хавфсизликнинг бўлинмаслиги, ўз хавфсизлигини бошқа давлатлар хавфсизлиги ҳисобига мустаҳкамлашга йўл қўйилмаслиги, халқаро мажбуриятларни виждонан

бажариш, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган норма ва тамойилларини ҳурмат қилиш принципларига асосланади.

Республикамизда Президентимиз бошчилигида ҳукуматимиз томонидан экстремизм ва терроризмга қарши кураш борасида жаҳон ҳамжамияти учун намуна бўлиши мумкин бўлган самарали ишлар қаторида қуйидагиларни қайд этиш лозим:

- тўғри йўлдан адашганларни ижтимоий реабилитация қилиш ва уларни соғлом ҳаётга қайтариш мақсадида мазкур шахслар билан кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда тушунтириш-профилактика ишларини тизимли ташкил қилиш, уларни махсус рўйхатдан чиқариш бўйича механизм яратилди. Мазкур механизмнинг самараси сифатида ақидапарастлик ғоялари таъсирига тушган 16 мингдан зиёд фуқароларнинг ички ишлар органларининг махсус ҳисобидан чиқарилиши жамиятда катта ижобий резонанс берди;

- ёшларни илм-маърифатга ўргатиш, уларга ислом динининг инсонпарварлик моҳияти, ислом маданиятининг асл қадриятларини етказиш, маърифий ислом таълимоти, буюк аждодларимизнинг улкан маънавий меросини чуқур ўрганиш, жамиятда диний ва миллий бағрикенглик ва ҳамкорликни мустаҳкам қарор топтириш орқали аҳоли, айниқса, ёшларда ақидапараст ғояларга нисбатан мустаҳкам маънавий ҳимоя қобиғи шакллантириш мақсадида Имом Бухорий ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Самарқандда ҳадис ва калом илми мактаби, Бухорода тасаввуф мактаби, Қашқадарёда ақида мактаби, Фарғонада ислом ҳуқуқи (фиқҳи) илмий мактаблари очилди. Шунингдек, республикада мавжуд диний конфессия раҳбарлари ҳамда барча дин вакилларига кенг имкониятлар яратиб берилмоқда;

- ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг диний экстремизмга қарши кураш, миллатлараро ва конфессиялараро ҳамкорликни янада кучайтиришга йўналтирилган комплекс тадбирлар дастури қабул қилинади. Ушбу дастур доирасида давлат ва жамоат ташкилотлари, маҳалла йиғинларида, аҳолининг турли қатламлари орасида экстремизм ва терроризм билан боғлиқ таҳдидларнинг олдини олишга қаратилган семинар, учрашув ва давра суҳбатлари ўтказиш йўлга қўйилган;

- ақидапарастлик ғоялари тарқалишини олдини олиш учун ОАВ ва бошқа ахборот етказиш воситаларидан самарали фойдаланишга урғу берилмоқда;

- хориждаги меҳнат мигрантлари, талабалар ва вақтинча истиқомат қилаётган ватандошларимизни экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолишини олдини олиш юзасидан зарур тадбирлар амалга оширилмоқда.

Барча саъй-ҳаракатларга қарамасдан ҳозирги кунда экстремизм ва терроризм дунё хавфсизлигига таҳдид солувчи асосий хатарлар қаторида қолмоқда. Шу муносабат билан, ушбу салбий ҳодисаларга қарши курашиш нафақат миллий даражада, балки халқаро миқёсда ҳал қилиниши зарур бўлган умумий муаммодир.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон экстремизм ва терроризм таҳдидлари ва зарарларини бошидан кечирган мамлакат ҳисобланади. Юртимизда ушбу иллатларга қарши курашиш, олдини олиш бўйича жаҳон ҳамжамиятига намуна бўла оладиган даражада ўзига хос тажриба шаклланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда: “Бугунги кунда иқлим ўзгаришлари, экологик муаммолар, радикализм, экстремизм ва терроризм, одам савдоси, наркотрафик каби таҳдидлар бизнинг мамлакатимизда ҳам ечилиши зарур бўлган долзарб вазифалар ҳисобланади. Бундай муаммоларни ҳал этишда куч ва имкониятларни бирлаштириш, бу борадаги барча саъй-ҳаракатларни уйғунлаштириш лозим” [3].

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Грановская М. Феномен постсекулярного. Журнал “Международная жизнь”. № 12. 2014. https://interaffairs.ru/jauthor/material/1189

2. Багаева К.А. Десекуляризация и тренд постсекулярного. // Вестник Бурятского государственного университета. Философия. 2019. Вып. 2.

3. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислоҳотлар йўлини қатъий давом эттирамиз // Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи 2021 йил 6 ноябрь // www.president.uz

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2021-2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6255-сон Фармони. 01.06.2021 й. https://lex.uz/docs/5491626

Добриян АС.В.
начальник кафедры административной деятельности органов внутренних дел факультета милиции общественной безопасности УО «Академии МВД Республики Беларусь», кандидат юридических наук, доцент svd_7997@mail.ru

ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ ОВД НАРУШЕНИЯМ ПОРЯДКА ОРГАНИЗАЦИИ ИЛИ ПРОВЕДЕНИЯ МАССОВЫХ МЕРОПРИЯТИЙ В РЕСПУБЛИКЕ БЕЛАРУСЬ

Аннотация: в тезисах доклада проанализированы изменения норм законодательства об административных правонарушениях Республики Беларусь, предусматривающих ответственность за нарушения порядка организации и проведения массовых мероприятий.

Annotatsiya: ma'ruza tezislarida ommaviy tadbirlarni tashkil etish va o'tkazish tartibini buzganlik uchun javobgarlikni nazarda tutuvchi Belarus Respublikasining ma'muriy huquqbuzarliklar to'g'risidagi qonun hujjatlari normalaridagi o'zgarishlar tahlil qilinadi.

Abstract: the abstracts of the report analyze changes in the norms of the legislation on administrative offenses of the Republic of Belarus, which provide for liability for violations of the procedure for organizing and holding mass events.

Ключевые слова: административная ответственность, массовые мероприятия, административный арест, штраф.

Kalit so'zlar: ma'muriy javobgarlik, ommaviy tadbirlar, ma'muriy hibsga olish, jarima

Keywords: administrative liability, mass events, administrative arrest, fine.

Организация и участие в проведении несанкционированных акций и протестов, выступая в качестве основных форм протестной деятельности, находятся вне рамок сложившейся правовой системы и направлены на подрыв ее устоев, дискредитацию институтов государственной власти, нарушение общественного порядка и безопасности.

При этом одним из правовых средств противодействия указанным деяниям органами внутренних дел (далее – ОВД) выступают меры административной ответственности, характер и размер которых зависит от содержания конкретных противоправных действий, совершаемых во время проведения несанкционированных акций и протестов.

Статьёй 24.23 Кодекса Республики Беларусь об административных правонарушениях (далее – КоАП) установлена административная ответственность за нарушение порядка организации или проведения массовых мероприятий.

Указанный порядок закреплен в Законе Республики Беларусь от 30 сентября 1997 года «О массовых мероприятиях в Республике Беларусь» (далее – Закон о массовых мероприятиях), в соответствии с которым к массовым мероприятиям относятся: собрание, митинг, уличное шествие, демонстрация, пикетирование и иное массовое мероприятие.

Изучение состава протестного движения показывает, что в качестве субъектов рассматриваемого правонарушения могут выступать «профессиональные протестующие», для которых участие в различных социальных акциях является основным источником доходов; субъекты с преступным «прошлым», испытывающие неприязнь к органам правопорядка; лица, страдающие «комплексом провокатора», которые используют любые события для реализации своих провокаторских потребностей; субъекты, мотивацией активности которых является получение одобрения в социальных сетях за выполнение активных протестных действий; граждане, попавшие под влияние авторитетных для них личностей, прежде всего в социальных сетях и средствах массовой информации, либо вынужденные участвовать в протестных акциях для сохранения своего имиджа в том или ином сетевом сообществе.

Еще одной особенностью протестных движений, которые проходили в 2020 году в Республике Беларусь стало широкое распространение выплат вознаграждений за участие в несанкционированных мероприятиях.

Ответной реакцией со стороны государства стало существенное усиление административной ответственности за нарушение порядка организации или проведения массовых мероприятий.

В соответствии со ст. 8 Закона о массовых мероприятиях до получения разрешения на проведение массового мероприятия его организатор (организаторы), а также иные лица не вправе публично призывать к организации и проведению массового мероприятия, в том числе объявлять в средствах массовой информации, глобальной компьютерной сети Интернет или иных информационных сетях о дате,

месте и времени его проведения, изготавливать и распространять в этих целях листовки, плакаты и иные материалы.

Следовательно, совершение указанных действий образует состав административного правонарушения, предусмотренного ст. 24.23 КоАП.

Объективная сторона правонарушений, предусмотренных частью 1 ст. 24.23 КоАП, выражается в следующих альтернативных действиях:

1) нарушение установленного порядка проведения собрания, митинга, уличного шествия, демонстрации, пикетирования, иного массового мероприятия, совершенное участником таких мероприятий,

2) публичные призывы к организации или проведению собрания, митинга, уличного шествия, демонстрации, пикетирования, иного массового мероприятия с нарушением установленного порядка их организации или проведения, совершенные участником таких мероприятий либо иным лицом.

Совершение указанных действий влекут наложение штрафа в размере до 100 базовых величин, или общественные работы, или административный арест. Следует отметить, что максимальный размер штрафа за совершение рассматриваемых деяний более чем в 3 раза превышает максимальный размер штрафа для физического лица, который составляет 30 базовых величин.

Такие же действия, совершенные организатором таких мероприятий, согласно ч. 2 указанной статьи влекут наложение штрафа в размере от 2 до 150 базовых величин, или общественные работы, или административный арест, а на юридическое лицо штраф от 20 до 200 базовых величин.

В частях 3 и 4 ст. 24.23 КоАП предусмотрены усиленные меры административной ответственности за совершение рассматриваемых деяний, которые совершены повторно в течение одного года после наложения административного взыскания за такие же нарушения. Так штраф для физического лица может составлять 200 базовых величин, а согласно изменениям в ч. 1 ст. 6.6 КоАП за совершение правонарушений, предусмотренных частями 3 и 4 статьи 24.23 КоАП, административный арест налагается на срок от 15 до 30 суток.

Еще одним квалифицирующим признаком рассматриваемого состава административного правонарушения является нарушение порядка или организации проведения массового мероприятия, совершенные за вознаграждение. Такие деяния также влекут наложение

штрафа в размере от 30 до 200 базовых величин, или общественные работы, или административный арест.

В части 7 ст. 24.24 КоАП установлена ответственность за сбор, получение, использование денежных средств, иного имущества, в том числе имущественных прав, а также исключительных прав на результаты интеллектуальной деятельности, а равно выполнение работ, оказание услуг для целей возмещения расходов, обусловленных привлечением лица к ответственности за нарушение порядка организации или проведения массовых мероприятий. Такие действия влекут наложение штрафа в размере от 5 до 30 базовых величин с конфискацией предмета административного правонарушения или без конфискации, а на юридическое лицо – до 100 процентов от суммы (стоимости) предмета административного правонарушения с его конфискацией или без конфискации.

Однако одним повышением размеров штрафа и срока административного ареста ужесточение мер административного принуждения к участникам и организаторам несанкционированных акций и протестов не ограничилось. Также были предприняты меры по обеспечению исполнения наложенных административных взысканий. Для этого система мер обеспечения административного процесса была дополнена двумя новыми мерами.

Так, за совершение административных правонарушений против порядка управления судья в целях обеспечения исполнения постановления о наложении административного взыскания в виде штрафа вправе применить к физическому лицу, в отношении которого ведется административный процесс, следующие меры обеспечения административного процесса:

1) временное ограничение права лица, в отношении которого ведется административный процесс, на выезд из Республики Беларусь;

2) временное ограничение права лица, в отношении которого ведется административный процесс, на управление механическими транспортными средствами, моторными маломерными судами, мощность двигателя которых превышает 3,7 киловатта (5 лошадиных сил), права на охоту, за исключением случаев, когда пользование указанными правами необходимо лицу в связи с инвалидностью либо в качестве единственного средства получения дохода.

В целях обеспечения исполнения постановления о наложении административного взыскания в виде штрафа могут быть применены

несколько мер обеспечения административного процесса. Данные меры могут применяться на срок до исполнения административного взыскания.

Анализ протестных акций показывает, что негативное воздействие на сотрудника ОВД, может осуществляться в следующих формах:

- деморализация сотрудника ОВД, направленная на формирование у него сомнений в правомерности своих действий по обеспечению законности и правопорядка, чувства тревоги за благополучие своих родных и близких;

- демонстрация символических звуков (хлопки в ладони, свист, воспроизведение «культовых» музыкальных композиций), выкриков, грубых жестов;

- выставление портретов, рисунков, имеющих целью дискредитировать сотрудников ОВД;

- вербальное воздействие путем убеждения и внушения сотруднику ОВД необходимости перейти на сторону протестующих или не мешать им выражать свои требования. Участники массового мероприятия, как правило, внушают сотрудникам, что «им потом самим будет стыдно, за свои действия», что они «на самом деле сочувствуют протестантам», что нужно «бросить такую службу»;

- обвинения сотрудников ОВД в «предательстве», «трусости», выполнении «преступных» приказов;

- молчание, неохотное и медленное подчинение, невыполнение законного требования разойтись;

- попытки ударить сотрудника ОВД руками или различными предметами, бросить в их ряды различные предметы;

- силовой прорыв оцеплений, блокирование действий сотрудников ОВД при задержании правонарушителей (сцепление по два и более человека в «клубок», для противодействия удалению задержанного и их самих из зоны протестов).

Соответственно, указанные деяния, совершенные участниками и организаторами массового мероприятия, также влекут административную ответственность по ст. 24.23 КоАП.

В свою очередь, оскорбительные высказывания в адрес сотрудника ОВД, неприличные жесты в его адрес, попытки повредить форменное обмундирование, сорвать погоны и иные знаки различия, плевки и т.д. должны рассматриваться как действия, направленные на унижение чести и достоинства сотрудника ОВД. Зачастую эти деяния

осуществляются без активного противодействия исполнению сотрудником служебных полномочий, и обусловлены тем, что сотрудник ОВД обладает признаками принадлежности к правоохранительным органам государства.

Рассмотренные действия в отношении сотрудника ОВД образуют состав административного правонарушения, предусмотренного ст. 24.4 КоАП «Оскорбление должностного лица при исполнении им служебных полномочий».

В свою очередь, в ситуации, когда вред причиняется имуществу ОВД (например, умышленное повреждение служебного автотранспорта, нанесение надписей на здания ОВД, специальные средства и т.д.), значение имеет мотив совершения данных действий. Если в этих действиях побудительным мотивом выступает принадлежность данного имущества к правоохранительным органам, выражающаяся в наличии определенных символов и атрибутов того или иного органа государства, либо государства в целом, то это свидетельствует о том, что данные действия совершаются исходя из явного неуважения к обществу. Указанное свидетельствует о наличии в данных действиях хулиганского мотива.

В данном случае отсутствует угроза жизни или здоровью сотрудника, однако имеется непосредственная угроза причинения имущественного ущерба. В этой связи указанные действия подлежат квалификации по ст. 19.1 КоАП (мелкое хулиганство), либо ст. 339 УК (хулиганство) в зависимости от наличия (отсутствия) тех или иных квалифицирующих признаков составов рассматриваемых противоправных деяний. При отсутствии хулиганского мотива такое деяние необходимо квалифицировать по ст. 11.3 КоАП (Умышленное уничтожение или повреждение имущества), либо по ст. 218 УК (Умышленные уничтожение либо повреждение имущества), если размер причиненного ущерба превышает сумму в 40 базовых величин.

Наиболее лояльной мерой, применяемой в отношении участников несанкционированных акций и протестов, выступает устное замечание, являющееся мерой профилактического воздействия, реализация которой не противоречит принципу неотвратимости ответственности, поскольку несет в себе негативную правоприменительную оценку административного правонарушения и свидетельствует о неотвратимости государственного реагирования на противоправное поведение.

В частности, в соответствии с ч. 3 ст. 9.1 ПИКоАП лицо, уполномоченное в соответствии с ПИКоАП составлять протоколы об административных правонарушениях и осуществлять подготовку дел об административных правонарушениях к рассмотрению, при малозначительности совершенного физическим лицом административного правонарушения вправе не начинать административный процесс и освободить такое лицо от административной ответственности, объявив ему устное замечание.

В данном контексте под малозначительностью следует понимать пассивное участие в проведении несанкционированного массового мероприятия («зеваки», «политические туристы», люди, привыкшие «всегда быть в курсе», «владеть информацией», делать что-то «ради прикола», но не принимающие активного участия в акциях и протестах).

В итоге следует констатировать наличие в арсенале государственных органов Республики Беларусь широкого арсенала мер воздействия в отношении организаторов и участников несанкционированных акций и протестов, которые позволяют применить соразмерную меру воздействия в зависимости от содеянного, а также, что не менее важно, обеспечить исполнение наложенных взысканий.

Шишкина Елена Васильевна,
кандидат юридических наук, доцент кафедры конституционного и административного права Саратовского военного ордена Жукова Краснознаменного института войск национальной гвардии Российской Федерации,
e-mail: elena2203shishkina@gmail.com

АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ В РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ

Аннотация: в данной статье проводится исследование и анализ действующего российского законодательства, закрепляющего понятие, цели и сущность общественной безопасности в Российской Федерации. Анализируются угрозы ее обеспечения, роль Росгвардии в их преодолении, а также характеризуется необходимость взаимодействие как различных органов власти внутри государства, так и целых государств между собой при реализации мер защиты от угроз.

Ключевые слова: Концепция общественной безопасности, Концепция внешней политики, силовые структуры, взаимодействие, сотрудничество.

ROSSIYA FEDERATSIYASIDA JAMOAT XAVFSIZLIGINI TA'MINLASHNING DOLZARB MASALALARI

Annotatsiya: ushbu maqolada Rossiya Federatsiyasida jamoat xavfsizligi tushunchasi, maqsadlari va mohiyatini birlashtirgan amaldagi Rossiya qonunchiligini o'rganish va tahlil qilish amalga oshiriladi. Uni ta'minlash tahdidlari, ularni engishda Rosgvardiyaning roli tahlil qilinadi, shuningdek, tahdidlardan himoya qilish choralarini amalga oshirishda davlat ichidagi turli hokimiyat organlarining ham, butun davlatlarning ham o'zaro munosabatlari zarurligi tavsiflanadi.

Kalit so'zlar: jamoat xavfsizligi tushunchasi, tashqi siyosat tushunchasi, kuch tuzilmalari, o'zaro ta'sir, hamkorlik.

CURRENT ISSUES OF PUBLIC SAFETY IN THE RUSSIAN FEDERATION

Abstract: this article examines and analyzes the current Russian legislation that enshrines the concept, goals and essence of public security in the Russian Federation. The article analyzes the threats of its provision, the role of Rosgvardiya in overcoming them, and also characterizes the need for interaction of both various authorities within the state and entire states among themselves when implementing measures to protect against threats.

Keywords: Public security concept, Foreign policy concept, law enforcement agencies, interaction, cooperation.

2020 йил 22 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан мамлакатимизда аҳоли соғлиғини сақлаш ва яхшилашни таъминлайдиган самарали соғлиқни сақлаш тизимини яратиш, соғлом авлодни тарбиялаш учун зарур шарт-шароитларни шакллантириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланганлигини эътиборга олган ҳолда Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультети негизида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг юридик шахс мақомига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий тиббиёт академияси ташкил этилди[93]. Мазкур қарор ҳарбий тиббиёт мутахассисларининг узлуксиз касбий тайёргарлигини таъминлаш, уларнинг малакасини ошириш, кўникмаларини замонавий талабларга мослаштиришнинг амалий тизими жорий қилиш, қув жараёнида инновацион ишланмалар ва технологиялардан фойдаланиш сифатини ошириш ва ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига самарали тиббий ёрдам кўрсатилишини ташкил этиш тизимига замонавий усул ва ёндашувларни татбиқ қилиш ҳамда юқори малакали ҳарбий тиббиёт мутахассисларини тайёрлашга доир мавжуд муаммоларни олдини олишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 30 йиллиги ва Ватан химоячилари куни муносабати билан байрам табригида: “Ҳарбий хизматчилар, айниқса, командирлар таркибининг профессионал тайёргарлигини ошириш миллий армияни янада ривожлантиришнинг энг муҳим шарти бўлиб қолмоқда. Бу борада Қуролли Кучлар Бош штаби ҳамда ҳарбий округлар бошқарув аппаратлари офицерларини, бригада командирлари ва уларнинг ўринбосарларини ўқитиш бўйича Қуролли Кучлар академиясида жорий этилган янги тизимнинг юксак самарадорлигини таъминлашнинг долзарб вазифасидир. Шу муносабат билан ҳарбий таълим ва илм-фан тизимида бошланган ислоҳатларни

[93] Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ҳарбий тиббиёт соҳасида кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-487-сон Қарори. 2020 йил 22 октябрь. https://nrm.uz/contentf?doc=637246_&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana

изчил амалга ошириш, соҳа учун кадрлар тайёрлашда назарий ва амалиётни имкон қадар яқинлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим”[94].

Ўзбекистонда ҳарбий кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ислоҳотлар, айниқса, охирги олти йил ичида жуда кенг миқёсда амалга оширилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида профессионал кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети этиб қайта ташкил этилди. Қарорга кўра “Университет қуйидаги соҳалар учун малакали кадрларни мақсадли тайёрлашни амалга оширувчи базавий олий ҳарбий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси этиб белгиланадиган бўлди. Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия учун – жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасининг тегишинча жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлиги ва паспорт тизими талабларини амалга ошириш йўналишларида;

Қуролли Кучлар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун – ҳарбий дипломатия, юриспруденция ва иқтисодиёт ҳамда муҳандислик-техник, тарбиявий-психологик ва қўмондонлик-тактик фаолият соҳасида;

ўз қўриқлаш тузилмаларига эга бўлган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари учун – қўриқлаш фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасининг барча йўналишларида кадрлар тайёрланиши белгиланди[95].

Ҳозирги глабаллашув даврида, Ўзбекистонга минглаб сайёҳлар ташриф буюраётган вақтда замон талабларига мос билимга эга, камида иккита чет тилларини биладиган интеллектуал юқори кадрлар тайёрлаш зарурати туғилди. Шуни ҳисобга олиб, қарорда жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлиги ва паспорт тизими талабларини амалга ошириш йўналишларида юқори малакали кадрлар билан таминлашга киришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички Ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат

[94] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 30 йиллиги ва Ватан химоячилари куни муносабати билан байрам табригида.2022 йил 13 январ.

[95] Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори. “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида профессионал кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (ПҚ-5077).

жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида хам кадрлар масаласига алоҳида тўхталиб, Ички ишлар органлари учун мутахассислар тайёрлашнинг мутлақо янги тизимини жорий этилди. Академиядаги таълим тизими кадрларни мақсадли касбий тайёрлашга қаратилади ҳамда биринчи курсдан бошлаб мутахассислик ва юридик фанларни ўқитиш, жанговар ва жисмоний жиҳатдан тайёрлаш чуқурлаштирилган ҳолда амалга ошириладиган бўлди.[96] Бунда таълим олаётган хар бир кадрларни юридик фанларни ўқитишдан асосий мақсад жамиятда қонун устиворлигини таминлашдир. Бундан ташқари, Академиянинг бакалавриат дастури бўйича ўқитиш кундузги ва сиртқи таълим шаклларида ташкил этилди, шунингдек, уларга ўқишга қабул қилиш ички ишлар вазирининг ўринбосари раислигида ташкил этиладиган махсус касбий танлов ва очиқлик мезонлари асосида якка тартибдаги суҳбат орқали амалга ошириладиган бўлди. Якка тартибдаги суҳбат орқали қабул қилишдан кўзланган мақсад ҳарбий хизматчиларнинг интеллектуал, ахлоқий-руҳий, касбий ва жисмоний тайёргарлигини хар томонлама ўрганилиб, уларнинг муносибларини танлаб олиш ҳисобланади.

Бундан ташқари, Қуролли Кучлар тизимида янги соҳа ҳарбий тиббиёт мутахассисларни тайёрлаш амалиёти қўлланила бошланди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “**Ҳарбий тиббиёт соҳасида кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра,** Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультети негизида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг юридик шахс мақомига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий тиббиёт академияси ташкил этиладиган бўлди. Ҳарбий тиббиёт мутахассисларининг узлуксиз касбий тайёргарлигини таъминлаш, уларнинг малакасини ошириш, кўникмаларини замонавий талабларга мослаштиришнинг амалий тизимини яратиш, ўқув жараёнида инновацион ишланмалар ва технологиялардан фойдаланишнинг паст даражада эканлиги оқибатида ҳарбий-тиббий кадрларни тайёрлаш ҳамда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига самарали тиббий ёрдам кўрсатилишини ташкил этиш тизимига замонавий усул ва

[96] Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори. “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги (ПҚ-5076)

ёндашувларни татбиқ қилиш, фавқулодда ҳолатлар (вазиятлар) оқибатларини бартараф этишда иштирок этадиган ва ушбу йўналишда ташкилий-профилактика ишларни олиб борадиган юқори малакали ҳарбий тиббиёт мутахассисларини тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиладиган бўлди[97].

2022 йил август охирида Мудофаа вазирлиги ва Туркия соғлиқни сақлаш университети ҳамкорлигида 1-халқаро симпозиум ўтказилганда, мамлакатимиз-га амалий ташриф билан келган Туркия генерал-майори Дурмуш Айдемир юртимиздаги ҳарбий тиббиёт кадрларига юқори баҳо бериб, жумладан шундай деганди: - Марказий ҳарбий клиник госпитали ва тиббиёт академияси фаолияти билан танишиш давомида ходимларнинг ўз касбига бўлган иштиёқини кўриб, тўғриси, ҳайратландим. Шунда ўзимнинг талабалик даврим ёдимга тушди. Биз, шифокорлар Гиппократ қасамига содиқ қолган ҳолда инсонлар соғлиғи учун курашга тайёр туришимиз шарт. Сизнинг ўз касбингизга бўлган иштиёқингиз Ўзбекистон соғлиқни сақлаш соҳасидаги имкониятларини янада оширишга шароит яратиб беради."[98]

Ўзбекистондаги ҳарбий кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ютуқлар хорижий давлатлардан кўплаб талабгорларнинг ортишига сабаб бўлди. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Миллий гвардиясининг олий ҳарбий таълим муассасаларида хорижий давлатлар ҳарбий кадрларини тайёрлаш ва ўқитиш тизимини жорий этиш бўйича махсус қарор қабул қилинди.

Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Мудофаа вазирлиги олий ҳарбий таълим муассасаларида (ОҲТМ) Хорижий ҳарбий кадрлар билан ишлаш бўлими ташкил этилди. Хорижий ҳарбий кадрлар билан ишлаш бўлимининг асосий вазифалари этиб хорижий давлатлар ҳарбий кадрларини қабул қилиш, тайёрлаш ва битирув тадбирларини амалга ошириш;

ОҲТМнинг илмий, ўқув-тарбиявий бўлинма-ларига тарбиявий ва ўқув-услубий ишларни ташкил этиш, назорат ва мониторинг қилишда кўмаклашиш; хорижий давлатлар ҳарбий кадрларини тайёрлашни ташкил этишнинг мазмуни, шакллари ва технологияларини такомиллаштириш мақсадида республиканинг бошқа соҳалардаги

[97] Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори. **"Ҳарбий тиббиёт соҳасида кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги** 22.10.2020 й.(ПҚ**-4870)**

[98] "Ватанпарвар"№51. 2022.23-декабр.9-бет

етакчи таълим муассасаларининг таркибий бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

хорижий давлатлар ҳарбий кадрларининг Ўзбекистон шароитига мослашишида ҳар томонлама кўмаклашиш ва улар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига амал қилинишининг назоратини таъминлаш; хорижий давлатлар ҳарбий кадрлари ва Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хизматчилари ўртасида маданиятлараро алмашинув бўйича тадбирлар, шунингдек, маданий ва маънавий-маърифий ишларнинг сифатли ўтказилишини мувофиқлаштириш белгиланди.[99]

ОҲТМда хорижий ҳарбий кадрларга таълим бериш икки томонлама халқаро шартномаларга мувофиқ амалга оширилади. ОҲТМда хорижий ҳарбий кадрлар учун йиллик қабул квоталари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади. Хорижий ҳарбий кадрларни ўқишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Миллий гвардиясига хорижий давлатларнинг мудофаа ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ваколатли органлари тақдим этган мурожаатга асосан режалаштирилади. Хорижий давлатлар кесимидаги ҳар йилги квота, мутахассислик ва ўқитиш тури бўйича тақсимот Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Миллий гвардияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши аппарати билан келишган ҳолда амалга оширилади.

ОҲТМда хорижий ҳарбий кадрларга таълим бериш Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ, битирувчилар ҳарбий-касбий тайёргарлигининг малака талабларига татбиқ этилган асосий таълим дастурлари асосида амалга оширилади. Хорижий ҳарбий кадрларга таълим бериш олий ҳарбий таълимнинг таълим дастурлари бўйича ўзбек ва рус тилида амалга оширилади. Бундан ташқари хорижий ҳарбий кадрларни ўзбек маданияти, урф-одатлари ва Ўзбекистон тарихи билан яқиндан таништириш асосий вазифалардан этиб белгиланди. Бунинг аҳамиятига тўхталадиган бўлсак, ўзбек тили ва маданиятини ёйиш орқали Ўзбекистоннинг жаҳондаги нуфузини янада кўтариш назарда тутилган.

[99] Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори. “Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирлиги ва миллий гвардиясининг олий ҳарбий таълим муассасаларида хорижий давлатлар ҳарбий кадрларини тайёрлаш ва ўқитиш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 20 сентябрь, ПҚ-5247-сон

Хулоса ўрнида алоҳида қайд этиш лозимки, халқимизнинг хавфсизлиги, тинчлиги ва осойишталигини сақлаш учун ҳарбий кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ислоҳотлар жуда зарурдир. Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети, Ички ишлар Академиясида ҳарбий мутахассислар тайёрлашнинг мутлақо янги тизимини яратилди. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий тиббиёт академияси ҳамда Мудофаа вазирлиги олий ҳарбий таълим муассасаларида Хорижий ҳарбий кадрлар билан ишлаш бўлими ташкил этилиб, уларда юқори малакали ҳарбий кадрлар тайёрлана бошланди.

Амалга оширилаётган ислоҳотлар аввало мамлакат тинчлиги ва миллий армиянинг жанговар салоҳиятини янада ошириш, қўшинларни моддий-техник жиҳатдан мустаҳкамлаш билан бирга ҳарбий хизматчиларнинг ватанпарварлиги ва ватанга садоқатининг янада ошишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 30 йиллиги ва Ватан химоячилари куни муносабати билан байрам табригида.2022 йил 13 январ.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида профессионал кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 2021 йил 15 апрель, ПҚ-5077-сон.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. 2021 йил 15 апрель, ПҚ-5076-сон

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг **“Ҳарбий тиббиёт соҳасида кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги** Қарори. 2020 йил 22 октябр.(ПҚ**-4870)**

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирлиги ва миллий гвардиясининг олий ҳарбий таълим муассасаларида хорижий давлатлар ҳарбий кадрларини тайёрлаш ва ўқитиш тизимини жорий

этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори. 2021 йил 20 сентябрь, ПҚ-5247-сон

6. “Ватанпарвар” журнали № 51. 2022 йил 23-декабр. 9-бет

Абдуллаев Нурилла Саъдуллаевич
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия Ихтисослаштирилган ўқув маркази “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқий тайёргарлик” цикл катта ўқитувчиси, подполковник
Телефон: +998981777919

ЎҚИТУВЧИНИНГ КАСБИЙ ЎЗИНИ ЎЗИ ТАРБИЯЛАШИНИ ПЕДАГОГИК ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

Аннотация. Ушбу мақолада ҳарбий таълим тизимидаги инструкторнинг касбий-педагогик тайёргарлиги муаммосига илмий педагогик қизиқиш, мутахассисларнинг касбий фаолияти тизимида услубий ишланмаларнинг муаммолари долзарблиги ёритилган.

Аннотация. В данной статье освещен научно-педагогический интерес
к проблеме профессионально-педагогической подготовки инструктора в системе военного образования, актуальность методических разработок в системе профессиональной деятельности специалистов.

Annotation. In this article, scientific-pedagogical interest in the problem of the professional-pedagogical training of the instructor in the military education system, the relevance of methodological developments in the system of professional activity of specialists is highlighted.

Ключевые слова: мотивационный, формирование когнитивного потенциала, стратегия сотрудничества, дидактико-методическая система, педагогическая компетенция, экспериментальная работа

Калит сўзлар: мотивацион, когнитив потенциални шакллантириш, хамроҳлик стратегиясини, дидактик-услубий тизим, педагогик компетенция, эксперимантал иш.

Key words: motivational, formation of cognitive potential, cooperation strategy, didactic and methodological system, pedagogical competence, experimental work

Ўзбекистон Республикасида таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш мустақилликнинг илк кунлариданоқ энг муҳим вазифалардан бири сифатида доимий диққат-еътибор марказида бўлиб келмоқда. Юртимизда таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ этишга йўналтирилаётган йиллик харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этаётгани ва бу соҳани давлат бюджети харажатларидаги улуши 35 фоиздан зиёд экани, бундай кўрсаткичларни

дунёнинг бошқа давлатларида камдан-кам учратиш мумкинлиги бугунги кунда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилаётганлиги фикримизнинг ёрқин далили бўла олади. [1]

Энг катта бойлик-бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос-бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир[2]. деб таъкидлаганлар, Янги Ўзбекистон стратегияси китобида. Шуни ҳисобга олган холда ҳарбий кадрлар тайёрлаш масаласи ҳам муҳим ўрин тутади. Чунки Ўзбекистон Республикасининг хавфсизлигини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимда фаолият олиб бораётган офицерларнинг ўрни катта.

Тадқиқот шуни кўрсатдики, педагогик қўллаб-қувватлаш айниқса муҳимдир, чунки мотивацион соҳа когнитив потенциални шакллантириш ва ўқитувчининг ўз-ўзини тарбиялаш фаолиятининг кўникма ва қобилиятларини ривожлантиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бизнинг тадқиқотимиз мавзуси бўйича педагогик ёрдам - бу маълум тамойилларни ҳисобга олган ҳолда ўқув жараёнини амалга ошириш технологиясини ишлаб чиқиш механизми.

Биринчи тамойил – бу шахснинг устуворлиги. Бу тамойил инсонга қаратилган, яъни қуйи тизим, жараён ёки вазият иштирокчиси. Педагогик тизимлар, жараёнлар, вазиятларни талабаларнинг реал эҳтиёжлари, қизиқишлари ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқиш керак. Таълим жараёни иштирокчиларига импровизация қилиш имкониятини бериш тавсия этилади, шунинг учун ўқитувчи ўзини ўқув жараёнининг субъекти ўрнига қўйиши, унинг ҳис-туйғуларини, истакларини кузатиши, хатти-ҳаракатларини башорат қилиши ва шунга асосланиб, тизим, жараён ёки вазият яратишни назарда тутади.

Иккинчи тамойил - педагогик ёрдам - ўз-ўзини ривожлантириш тамойилидир. Ушбу тамойил амалга ошириш жараёнида динамик, мослашувчан, ўзгартириш, қайта қуриш, мураккаблаштириш ёки соддалаштиришга қодир бўлган тизимлар, жараёнлар ёки вазиятларни яратишни назарда тутади.

Педагогик ёрдамнинг самарадорлиги таълим жараёни даражасидан қатъий назар, бажарилиши мажбурий бўлган маълум шартларнинг бажарилиши билан боғлиқ:

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга («Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисида»ги қонуни, Қуролли кучларга тегишли вазирликларнинг буйруқлари ва меъёрий ҳужжатлари, ҳарбий олий ўқув юрти бошлиғининг буйруқлари, кафедра тўғрисидаги низом, лавозим йўриқномаси ва бошқалар) мувофиқ таълим вазифаларини бажариш учун ўқитувчилар орасида ижобий мотивация мавжудлиги.

- ўқитувчининг тегишли мутахассислик бўйича ўқитиш жараёнида шаклланган дизайн компетенциясининг мавжудлиги;

- таълим жараёнида педагогик ёрдамни амалга ошириш учун зарур бўлган таълим муҳитини шакллантириш;

- ҳарбий ҳисоб-китоб мутахассислиги бўйича курсантларни тайёрлаш йўналишининг ўзига хос хусусиятларини ва уни педагогик жараёнда амалга ошириш йўлларининг ўзига хослигини ҳисобга олиш;

- тарбиявий фаолиятни педагогик жиҳатдан асосли танлаш ва ўқув жараёнининг тўғри танланган усуллари, шакллари ва усуллари асосида ташкил этиш;

- педагогик жараённи яратиш ва амалга оширишнинг барча босқичларида таълим жараёнининг асосий субъектларини киритилганлиги;

- педагогик ёрдамни мониторинг қилиш ва унга тузатишлар киритиш имконияти.

Л.А.Аксенова [3], А.А.Анисимов [4], В.И.Байденко [5], А.П.Беляева [6], З.М.Большакова [7], Т.И.Иванайская [8], Т.Ю.Основина [9] ва бошқаларнинг адабий манбалар ва илғор педагогик тажриба таҳлили педагогик ёрдамнинг қуйидаги шаклларини аниқлашга имкон берди:

- қўллаб-қувватлаш сифати ҳисобга олинган омилларнинг тўлиқлиги билан белгиланади;

- ҳамроҳлик стратегиясини танлаш ўқитувчининг индивидуал услуби билан белгиланади;

- дидактик-услубий тизимни танлаш курсантларнинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ;

- педагогик ёрдамнинг самарадорлиги таълим жараёнининг барча таркибий қисмлари: психологик, ахборот, инструментал, технологик, бошқарувнинг уйғун комбинациясига боғлиқ.

Экспериментал иш шуни кўрсатадики, ўқув фаолияти бошида эришилган муваффақиятлардан, кейин эса умуман когнитив жараёндан ижобий ҳиссий тажрибалар билан қўллаб-қувватланади. Таълим муаммоларини муваффақиятли ҳал қилиш ижобий ҳис-туйғуларни

келтириб чиқаради. Уларнинг такрорланиши жараёнида интеллектуал фаолиятдан қониқиш ўз-ўзини ҳаракат, ўз-ўзини ривожлантиришнинг ички моҳиятига эга бўлган доимий билимга бўлган эҳтиёжга айланади. Тажрибамиз шуни кўрсатадики, бу эҳтиёж Қуролли кучларининг олий таълим ҳарбий ташкилоти ўқитувчи-инструкторининг касбий-педагогик компетентлигини ривожлантириш учун ўзига хос кучдир.

Ушбу педагогик шартнинг муҳим таркибий қисми бу ўқитувчиларнинг ўз-ўзини тарбиялаш фаолияти мотивацияси бўлиб, биз уларни ўз ташаббусига кўра мустақил равишда ва мақсадли равишда билим, кўникма ва кўникмаларни эгаллашга ундайдиган мотивлар, мақсадлар, эҳтиёжлар тизими сифатида тушунамиз. Ушбу ёндашув кўплаб тадқиқотчилар томонидан қўлланилади: А.С.Белкин [10], Д.В.Комков [11], Г.Н.Сериков [12] ва бошқалар.

Педагогик қўллаб-қувватлаш жараёнида касбий ва педагогик компетенцияни ривожлантириш ўқитувчининг ўзи ўқитиш субъектига айланадиган шундай шароитлар мавжудлигини назарда тутади. Бошқача қилиб айтганда, ўз-ўзини тарбиялаш учун мотивацияни ривожлантириш тартибсиз ҳодисадан алоҳида муҳим вазифага айланади. Тадқиқот давомида ўз-ўзини тарбиялаш учун ижобий мотивацияни ривожлантириш учун муваффақият ҳолатларини, шахслараро муносабатлар (қўшма фаолиятда), технологик муносабатлар (тадқиқот ва лойиҳада) бўлган махсус маконни яратиш керак деган хулосага келди) ва баҳолаш муносабатлари (фикрлаш ва ўз-ўзини баҳолашда) муҳитини яратиш кераклигини борасида хулоса қилинди. Мазмуннинг долзарблиги ва унинг амалий аҳамияти, назария ва амалиётнинг адекват боғлиқлиги, дарсга тайёргарлик кўришда ўқитишнинг шакл ва усулларини пухта танлаш ҳам самаралидир. Бундан ташқари, ўқув жараёнининг ўзи, тажриба шуни кўрсатадики, ўзаро таъсир, қўллаб-қувватлаш ва ижодкорлик тамойилларига асосланиши керак.

Таълим дастури ўқувчининг индивидуал таълим йўналиши бўлиб, у ўзи белгилаган таълим даражасига мустақил равишда эришганидан келиб чиқиб, биз ҳарбий олий ўқув юрти «Бошловчи ўқитувчи мактаби» тингловчилари томонидан бундай дастурларни тайёрлаш зарурлигини тан олишимиз мумкин.

Бундай дастурларнинг моҳияти ўқув жараёнидаги турли хил фаолият турларининг комплекс алоқаси билан ифодаланади: қўшма, тадқиқот, ташкилий, услубий, ўз-ўзини баҳолаш ва акс эттириш. Бу шуни

англатадики, ўз-ўзини ўқитиш дастурлари қуйидаги принципларга асосланиши керак:

а) умуминсоний ва миллий маданий анъаналар ютуқларига асосланиши, фуқаролик жамияти ва қонун устуворлигини шакллантириш мақсадларига жавоб бериши;

б) субъектнинг ўз ривожланиш даражасини ҳисобга олиш;

в) дастур бўйича ўз-ўзини тарбиялаш натижаларини баҳолаш усулларидан фойдаланиш;

г) ўз-ўзини тарбиялаш жараёнининг концептуал асосларини, ўз-ўзини тарбиялаш фаолиятини режалаштиришни, мазмунни ўзлаштириш кетма-кетлигини кўрсатишни ўз ичига олади;

д) ўз-ўзини тарбиялашни амалга ошириш шартларини очиб беради: ўз-ўзини тарбиялаш жараёнини моддий-техник, ахборот, услубий ва бошқа турдаги қўллаб-қувватлаш.

Шундай қилиб, ўқитувчининг касбий фаолиятининг қуйидаги асосий қадриятларини ажратиб кўрсатиш керак [13]:

- ўз касбий фаолиятига муносабатни қадрлаш;
- шахсга ўзига хос индивидуаллик, фаолият субъекти, мулоқот ва шахслараро муносабатлар сифатида қадрли муносабат;
- кўп қиррали шахсни шакллантиришга, унинг субъективлиги ва фаоллигига йўналтирилганлиги;
- инструкторлик касбининг ижтимоий аҳамиятини англаш;
- касбий фаолиятда ижодкорликка қадрият йўналиши;
- касбий фаолиятида меҳр-оқибат, ватанпарварлик, саломатлик, маданият, маънавият каби умуминсоний қадриятларга йўналтириш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш - энг олий саодатдир. - Т.: Ўзбекистон, 2015, 11-б.

2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Кириш режими Ўзбекистон, 2021. – Б. 23. Мурожаат санаси 28.11.2022 й.

3. Теоретико-методологические аспекты развития компетенции профессионального общения: монография / Л.А.Аксенова - Челябинск: ЧГПУ, 2012. - 199 с.

4. Развитие профессиональной компетентности военных переводчиков: автореф. дис. ... канд. пед. наук / А.А.Анисимов - М., 2012. - 25 с.

5. Компетенции: К освоению компетентностного подхода: монография / В.И.Байденко - М.: РГБ, 2007. - 138 с.

6. Методолого-теоретические основы развития профессионального образования в современных условиях / А.П.Беляева - М.: Радом, 1995. - 144 с. - Библиогр.

7. Педагогический аспект реализации компетентностного подхода / З.М.Большакова, Н.Н.Тулькибаева // Актуальные научно-педагогические проблемы воспитания и образования учащихся и студентов: Сб. науч. ст. – СПб . : Изд-во БПА, 2010. - С. 11-17.

8. Внеучебная деятельность как фактор профессионального самоопределения студента: дис. ... канд. пед. наук / Т.И.Иванайская. - Оренбург, 2010. - 216 с.

9. Компетентностный подход в подготовке специалиста социальной работы к управленческой деятельности / Т.Ю.Основина // Психология и педагогика: методика и проблемы практического применения. - 2010. - № 12. - С. 181-186.

10. Витагенное образование в системе педагогического знания / А.С.Белкин, Н.О.Вербицкая // Педагогическое образование в России. - 2007. - № 1. - С. 26-32.

11. Организационно-педагогические условия эффективного управления процессом подготовки офицеров-преподавателей в военном вузе: дис. канд. пед. наук. / Д.В.Комков - СПб., 2005. - 28 с.

12. Ориентиры измерения качества образования / Г.Н.Сериков, Сериков С.Г. // Вестник Южно-Уральского государственного университета. - 2010. - № 3 (179). - С. 19-31.

13. Новые педагогические и информационные технологии в системе образования: учеб. пособие для студ. пед. вузов и системы повышения квалификации пед. кадров / Е.С.Полат, М.Ю.Бухаркина и др. - М.: Академия, 2002. - 272 с. - Библиогр.

Валиханов Илёс Илхамович
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси

ТАЛАБАЛАРДА ҲАРБИЙ-КАСБИЙ МОТИВАЦИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА ВА ХОРИЖ ДАВЛАТЛАРИ ТАЖРИБАСИ

Бугунги кунда ривожланаётган Ўзбекистон жамияти юксак касбий маҳорат ва интеллектуал, илмий салоҳиятга эга бўлган ёшларга эҳтиёж сезмоқда. Микросоциумга қадам қўяётган хар бир ёш ижтимоий муносабатлар, илмий тараққиётга зийраклик билан қараши ва геосиёсий майдондаги ўзгаришларни объектив баҳолаши, янгиликларни тез идрок этиши, фаол фуқаролик позициясига эга бўлишини талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрь “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6108-сон фармонида кўрсатиб ўтилган давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири- миллий истиқлол ғояси асосида маънавий ва руҳий жиҳатдан янги авлодни вояга етказиш, ўз Ватанига, элу юртига садоқатли фуқароларни тарбиялаш ижтимоий зарурат эканлиги таъкидланади.

Маълумки, объектив дунёқараш туфайли талабалар дунёнинг геосиёсий манзараси, унинг тараққиёт жараёни, ривожланиш тенденциялари, оламни яхлит идрок этишга оид карашлар тизимини англаб етади. Шу билан бир қаторда, объектив дунёқараш моддий борлиқ ва шахснинг ушбу борлиқ ичида мавжудлиги ҳақидаги яхлит инъикос этиш тасаввуридир.

Тадқиқот доирасида талабаларда ҳарбий-касбий мотивацияни ривожлантириш бўйича республикамиз ва хорижий давлатлар тажрибасининг компаратив таҳлиллари ўтказилди. Таҳлил натижаларидан аён бўлишича, мустақил Ўзбекистон диёримизда олий таълим муассасаларида ҳарбий ўқитиш тизимининг ривожланиш тарихи у қадар узоқ бўлмасада, у ўзининг шонли ва сермаҳсул йўлини босиб ўтмоқда.

Мамлакатимизда “Олий таълим муассасалари талабаларининг ҳарбий тайёргарлиги - Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари учун резервдаги ва захирадаги офицерларни тайёрлаш мақсадида ташкил этиладиган ва ҳарбий тайёргарлик ўқув бўлинмаларида ўтказиладиган назарий ва амалий машғулотлар, ўқув йиғини, якуний давлат

аттестацияси ва Ватанга қасамёд қабул қилиш жараёнида амалга ошириладиган комплекс чора-тадбирлардан иборат”[1]. Бинобарин, олий таълим муассасаларида ҳарбий кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳамда ҳарбий тайёрлигини ривожлантириш борасида инновацион таълим услубларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳарбий таълим тизимида бошланган ислоҳотларни узвий давом эттириш, олий ҳарбий билим юртлари, лицей ва коллежлар, жумладан, “Темурбеклар мактаби” ҳарбий академик лицейлари фаолиятини такомиллаштириш, уларда таълим олаётган ўқувчилар қалбида миллий руҳ, она-Ватанга меҳр ва садоқат, адолат туйғусини ҳар томонлама кучайтириш, буюк аждодларимиз, жумладан, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Шоҳруҳ Мирзо, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби саркардаларимизнинг бой ҳарбий санъатидан кенг фойдаланиш куннинг долзарб масалалари қаторидан ўрин эгаллади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ш.М.Мирзиёев: “Мамлакатимизда ўрта мактабдан бошлаб олий ўқув юртларигача қамраб оладиган узлуксиз ҳарбий таълим ва ватанпарварлик тарбияси бўйича ўзига хос ноёб ва яхлит тизим яратилмоқда. Ушбу тизим мутлақо янги Қуролли Кучлар академиясини шакллантиришни, ҳарбий билим юртлари, лицей ва коллежлар фаолиятини такомиллаштиришни, “Темурбеклар мактаби” ҳарбий академик лицейлари ташкил этишни кўзда тутади”-дея эътироф этади.

1987 йилда Россия мамлакатининг олий таълим муассасаларида 497 та ҳарбий кафедраларида захира офицерлари, қўмондонлик, муҳандислик ва маъмурий профиллар бўйича талабалар таҳсил олиши йўлга қўйилган. 1980-йилларда маҳаллий фуқаролик университетларида ҳарбий бўлмаган ҳарбий тайёргарлик тизими ишлаб чиқилган бўлиб, ҳар йили Давлат Қуролли Кучларининг барча захиралари ва кадрлари учун зарур бўлган 100 мингга яқин захирадаги офицерларнинг кўпайишини таъминлади. Шу билан бирга, захирадаги офицерларнинг умумий тайёргарлиги бир қатор илмий ва умумий касбий тайёргарлик профиллари мансабдор офицерларнинг тайёргарлик даражаси билан бир хил эди. Ўртача захирадаги офицерни тайёрлаш учун давлатнинг моддий харажатлари, олий ўқув юртида тегишли мартаба офицерини тайёрлашга қараганда, ўртача 4-5 баравар кам эди. Шу билан бирга, қуролсиз ўқитишнинг мавжуд тизими, биринчи навбатда, қўмондонлик ходимлари ва мутахассислар захирасининг кўп қисмини таъминлади,

уларнинг умумий таркиби (ҳажми ва профили бўйича) қуролли кучларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда аниқланарди. Агар қўмондонлик профили офицерлар корпусининг тайёргарлик даражаси, захирадаги офицерларни тайёрлаш оддий офицерларга қараганда анча паст бўлса, у ҳолда муҳандислик -техник профил мутахассисликлари бўйича фуқаролик олий ўқув юртлари битирувчиларининг касбий даражаси. олий ўқув юртлари битирувчиларининг фаолиятида акс этди[2]. 1990 йилларда Россия Федерациясида ижтимоий деформациянинг бошланғич жараёнлари талабаларнинг шахсий-ижтимоий-фаоллик муносабатларида акс этди. Кўпгина фуқаролик олий ўқув юртларининг талабалари, биринчи навбатда, мажбурий хусусиятга эга бўлган сабабларга кўра, ҳарбий тайёргарликка очиқчасига қарши чиқдилар. Бундан ташқари, фуқаролик мутахассисликлари бўйича ихтисослаштирилган фанларни ОТМларда ўқитиш даражаси ва ҳарбий тайёргарлик даражаси ўртасидаги фарқ пайдо бўлди; иккинчидан, кўп ҳолларда талабаларни захирадаги офицер сифатида тайёрлаш дастурлари профили ва мазмунининг асосий касбий таълим дастурларининг профили ва мазмунига мос келмаслигидаги фарқ пайдо бўлди. Умумий инқирознинг объектив омилларидан келиб чиққан барча бу сабаблар фуқаролик олий ўқув юртларида ҳарбий тайёргарлик тизими ҳақидаги қарашларни қайта кўриб чиқишнинг бошланишига сабаб бўлди ва ҳарбий таълим ривожланишининг янги босқичини белгилаб берди.

Илмий манбалар ва илмий ишланмалардан аниқланишича, Россия Федерациясида ҳарбий ўқитиш тизими ўзига хос тарихий тажрибага эга. Мамлакатда 2019 йил 1 январдан бошлаб, 03.08.2018 йилдаги 309-ФЗ-сонли федерал қонунга киритилган ўзгартиришлар кучга киргандан сўнг,[3] ҳарбий кафедралар, ҳарбий тайёргарлик факультетлари, ҳарбий ўқув марказлари бекор қилинди. Шу пайтдан бошлаб Россиядаги фуқаролик университети талабалари ўртасида ҳарбий тайёргарликни амалга оширадиган ўқув бўлинмасининг ягона шакли - ҳарбий ўқув марказлари фаолият юрита бошлади.

Бугунги кунда замонавий АҚШ қуролли кучларининг кадрлар салоҳиятини ошириш ва зарур мутахассисларни тайёрлашда кучли моддий-техник база ҳамда прагматизм асосида кадрларни қайта тайёрлаш тизимларини бошқаришда мослашувчанлик параметрларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қўшма Штатлардаги олий таълим муассасалари профессионал қуролли кучлар учун офицерларни тайёрлашда ўқитиш тизимининг кучли томонларидан, биринчи

навбатда, кенг ташкилий тузилма ва унинг кучли, яхши ривожланган моддий-техник базаси, шунингдек, тингловчиларни танлаш, уларни ўқитиш ва ташкил этилган захиралар ва кадрлар таркибидаги кейинги хизматлардан ўтишнинг мослашувчан, амалий ва мақсадли тартибидан фойдаланмоқда.

Расмий манбаларни ўрганиш натижасидан аниқланишича, АҚШ Қуролли Кучларини бошқариш ва ўқитишнинг бутун тизимида. мавжуд тизимнинг самарадорлигини баҳолашни ўз ичига олган қуролли кучларни тўлиқ профессионал асосда бошқаришнинг энг самарали манбалари мавжуд. Фуқаролик олий ўқув юртларида ҳарбий бўлмаган тайёргарлик курсларини тугатган офицерлар сони ва ўқитилган офицер кадрларининг умумий сони ўртасидаги мутаносиблик ўрганилганда, офицерлар корпусининг умумий сонида битирувчилар тахминан 70% ни ташкил қилади. Ҳар йили ўртача ҳисобда қуруқликдаги қўшинлар учун ўқув курслари битирувчиларининг қарийб 50 фоизи мунтазам тузилмаларга киради (фақат қуруқликдаги кучлар учун йилига тўрт мингга яқин офицер). Шу билан бирга, баҳоларда, айниқса, юқори даражадаги профессионал тайёргарлик даражаси ва хизмат пайтида ва жанговар ҳаракатлар пайтида битирувчилар кўрсатган зарур ахлоқий ва жанговар фазилатларни шакллантиришга катта эътибор қаратилади. Унинг қиёсий самарадорлиги, айниқса, муҳандислик ва бошқа фанни талаб қилувчи профиллар бўйича мутахассисларни тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга. Агар ҳарбий мактабда офицерни ўқитиш ўртача 100 минг долларни ташкил қилса, ҳарбий бўлмаган таълим тизимида 40 минг долларни ташкил этади.

NATOга аъзо мамлакатларининг ҳарбий ривожланиши соҳасида ўзаро тажриба алмашиш, шу жумладан барча тоифадаги офицерларни тайёрлашнинг назарий ва амалий жиҳатларига эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади. Бундай ўқиш машғулотларини такомиллаштириш нафақат АҚШ, балки Буюк Британия каби шерикчиликдаги мамлакатлар ва Шимолий Америка альянсига кирувчилар учун тарихий анъанадир.

Илмий манбаларни ўрганиш натижасидан аниқланишича, Францияда олий таълим муассасалари талабалари орасидан мураккаб техник ва ҳарбий тиббиёт мутахассисликлари, шунингдек, маъмурий ва иқтисодий профиллар бўйича офицер кадрларни тайёрлаш кенгаймоқда. NATO га аъзо барча давлатларнинг ОТМларида ҳарбий кадрлар захираларининг малакасини ошириш ёки уларни қайта тайёрлаш, шу

жумладан, уларнинг ҳарбий илмий ва тадқиқот ишларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилади.

Германия олий таълим муассасаларида қўмондонлик ходимларини қайта тайёрлашни ташкил этиш тажрибаси қўлланилади. Ҳозирги вақтда Гамбург, Мюнхен, Баварияда жойлашган ОТМларда офицер кадрлар тайёрлаш, олий фуқаролик таълимига эга бўлиш, шу жумладан, илмий даражаларни олиш, ўз малакаларини ошириш учун кенг ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шимолий Атлантика блогининг олий қўмондонлик ва бошқарув органлари, НАТО қўшинлари учун офицерлар ва бошқа тоифадаги ҳарбий хизматчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг мавжуд тизимларини бирлаштириш мақсадида блокка аъзо давлатларнинг турли жамоалари, шу жумладан Иттифоқлараро захира офицерлари конфедерациясини ташкил этишган.

Таҳлиллардан маълум бўлишича, хориж мамлакатларининг дидактик жараёнларида ҳарбий касбий тайёргарликнинг рационал усули кўпроқ уни рағбатлантиришга қаратилган. Таълим субъектларининг машғулотларга қизиқишини орттириш, уларда мотивацияни ошириш ва ўрганилаётган мавзу бўйича маълумотни оғзаки тақдим этишда қисқа вақтдан фойдаланишга катта эътибор қаратилаётганлиги ўқув жараёнини лойиҳалашда ўзига хос психологик ва педагогик хусусиятларга таянишни кўрсатмоқда.

Таълим жараёнида дидактикадаги ўқитишнинг турларини туркумлаш; таълим жараёнларини кичик модулларга ажратиш; босқичларини олдиндан лойиҳалаш; дарс режаларини кичик бандлар бўйича моделлаштириш-буларнинг барчаси хориж тажрибаларида яққол намоён бўлмоқда. Шунингдек, ўқув объектларининг бўлиниши (тоифалар ва индивидуал хусусиятлар бўйича), техника ва ўқув қуролларини танлашга ҳам катта эътибор қаратилади.

Буни баҳолашда ўқув субъектининг роли ҳал қилувчи бўлиб чиқади. Замонавий ўқув жараёнига бундай ёндашув, уни амалга ошириш усуллари ўқув дастурларини тузишнинг “рационалистик” хусусиятини, тегишли аудиторияда таълим субъектларига таъсир қилиш усуллари ва воситаларининг танланганлигини акс эттиради.

Бир қатор етакчи хорижий давлатлар олий ҳарбий таълим муассасалари билан ўрнатилган ҳамкорлик алоқалари дунё армиялари тажрибасини таҳлилий ўрганишга хизмат қилмоқда. Умуман олганда, АҚШ, Буюк Британия, Германия каби мамлакатлар ОТМларида кадрлар

тайёрлашнинг бутун жараёнини назарий таъминлашга амалий жиҳатдан оқилона ёндашиш уни универсаллаштириш, унификация қилиш, стандартлаштириш, технологиялаштириш ва амалиётга татбиқ этишга қаратилган тенденциялар мавжудки, улар таълимнинг умумий ривожланишига, айниқса зарур ўзгаришлар пайтида ижобий таъсир кўрсатади.

Адабиётлар:

1. Низом,3-банднинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 мартдаги 179-сонли қарори таҳририда - Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.03.2020 й., 09/20/179/0350-сон.

2. Ҳарбий таълим ва Россиянинг келажаги//Таълим-Россиянинг келажаги: илмий-амалий конференция тезислари. (1996 йил 29-30 март). - Уфа: Шарқ университети, 1996. - С.75-76.

3. http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_304054/

Xasanova Gulshod Ro‘ziboyevna
O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Toshkent “Temurbeklar maktabi” fizika fani bosh o‘qituvchisi
gulshodhasanovahl@gmail.com

ANIQLASH VA QO‘RIQLASH TIZIMLARIDAN FOYDALANISH BO‘YICHA MUHANDISLARNI TAYYORLASHDA FIZIKANING O‘RNI

Annotatsiya: Ushbu maqolada biz aniqlash va qo‘riqlash tizimlarini ishlab chiqish, ulardan foydalanish va samaradorligini oshirishda fizikaning ahamiyatini ko‘rib chiqamiz.

Kalit so‘zlar: aniqlash va qo‘riqlash tizimlari, fizika, radiatsiya, yarimo‘tkazgichlar, fotoeffekt, milliy xavfsizlik.

Аннотация: В этой статье мы исследуем важность физики в разработке, использовании и работе систем обнаружения и наблюдения.

Ключевые слова: системы обнаружения и охраны, физика, излучение, полупроводники, фотоэффект, национальная безопасность.

Abstract: In this article, we explore the importance of physics in the design, use and operation of detection and surveillance systems.

Key words: detection and protection systems, physics, radiation, semiconductors, photo effect , national security.

Ta’lim muassasamiz asosan oliy harbiy o‘quv yurtlari, shu jumladan, jamoat xavfsizligini ta’minlashda muhim o‘rin tutadigan aniqlash va qo‘riqlash tizimlaridan foydalanish bo‘yicha qo‘mondonlik-muhandislik faoliyati yo‘nalishi uchun ham yuksak intellektual salohiyatga, zamonaviy fikrlash hamda dunyoqarashga ega, davlatimiz manfaatlari va suvirenitetini fidokorona himoya qilishga tayyor bo‘lgan har tomonlama kamol topgan, jismonan sog‘lom va ma’naviy yetuk yosh avlodni tarbiyalab beradi. Fizika fani aniqlash va qo‘riqlash tizimlarini ishlab chiqish va ulardan foydalanishda muhim rol o‘ynaydi. Shu sababli, fizika odamlar va atrof-muhit xavfsizligini ta’minlashda muhim ahamiyatga ega. Bugungi kunda biz yashayotgan dunyo turli xil intensivlikdagi potensial xavf-xatarlar bilan to‘ldirilgan. Ushbu xavf-xatarlar tabiiy ofatlar, ishlab chiqarishdagi baxtsiz hodisalar, terroristik hujumlar va boshqalar kabi turli shakllarda bo‘lishi mumkin. Shunday qilib, aniqlash va qo‘riqlash tizimlariga bo‘lgan ehtiyoj o‘zimizni xavfsiz saqlash uchun tobora muhim va zarur bo‘lib qoldi. Aniqlash va qo‘riqlash tizimlaridan foydalanishda fizikaning roli katta va uni e’tiborsiz qoldirib bo‘lmaydi. Ushbu maqolada biz aniqlash va qo‘riqlash tizimlarini ishlab chiqish, ulardan foydalanish va samaradorligini oshirishda fizikaning ahamiyatini ko‘rib chiqamiz.

Aniqlash tizimlarining muhim jihatlaridan biri harorat, bosim, namlik, kimyoviy tarkib va radiatsiya darajasi kabi atrof-muhit parametrlarini his qilish va o‘lchash qobiliyatidir. Fizika atrof-muhitning turli xususiyatlarini aniq kuzatish va o‘lchash uchun zarur bilim va texnikani beradi. Masalan, atmosferada zaharli gazlar, tutun yoki olov mavjudligini aniqlay oladigan sensorlarni loyihalashda yarimo‘tkazgichlardan foydalaniladi. Yarimo‘tkazgichlarning ishlash prinsipi esa fotoeffekt hodisasiga asoslanadi. Yarimo’tkazgichlarning elektr o’tkazuvchanligini faqatgina temperaturani o‘zgartirib emas, balki yorug‘lik ta’sir etib ham o‘zgartirish mumkin. Yorug‘lik ta’siri ostida yarimo‘tkazgichlarning aktiv qarshiligi keskin kamayadi, elektr o‘tkazuvchanligi esa oshadi. Avvallari fotoasboblar faqat kinotexnikada hamda fotoelektron sanagichlarda qo‘llanilgan bo‘lsa, bugungi kunda yoritgichlarda, robototexnikada, avtomatikada, fotometriyada, tungi ko‘rish asboblarida, Quyosh elektrostansiyalarida hamda yorug‘lik nurlari yordamida amalga oshiriluvchi ilmiy tadqiqotlarda keng qo‘llanilmoqda. Milliy xavfsizlik va sanoat sohasi tahdidlardan himoyalanish va muhim infratuzilmani kuzatish uchun aniqlash tizimlariga tayanadi. Misol uchun, aeroport xavfsizlik tizimlari yo‘lovchilar va yuklarni potensial tahdidlarga tekshirish uchun rentgen apparatlari va metall detektorlardan foydalanadi. Sanoat nazorati tizimlari ishlab chiqarish jarayonlarini kuzatish va mahsulotlarning sifat va xavfsizlikning yuqori standartlariga javob berishini ta’minlash uchun ham har xil turdagi sensorlardan foydalanadi.

Aniqlash tizimlarining yana bir muhim jihati bu turli sensorlardan to‘plangan ma’lumotlarni qayta ishlash va tahlil qilish qobiliyatidir. Katta ma’lumotlar to‘plamini to‘g‘ri tahlil qila oladigan va sharhlay oladigan algoritmlar va matematik modellarni shakllantirishda yana fizikadan olingan bilimlar yordam beradi. Ushbu modellar foydalanuvchilarni potensial xavf-xatarlar yuzaga kelishidan oldin bashorat qilish va ogohlantirishda muhim ahamiyatga ega. Bunga yorqin misol - ob-havo prognozi. Atmosfera sharoitlarini tahlil qilishda fizikaviy bilimlarni qo‘llash ma’lum bir davr uchun ob-havo sharoitlarini aniq bashorat qilish imkonini beradi.

Boshqa tomondan, qo‘riqlash tizimlari zararning oldini olish yoki xavf oqibatlarini yumshatish uchun ishlaydi. Fizika tushunchalari va tamoyillari himoya materiallari va tizimlarini loyihalash hamda tanlashda hal qiluvchi rol o‘ynaydi. Masalan, fizikani ballistik himoyada qo‘llashni ko‘rib chiqsak, bu odamlarni o‘qlar, shrapnellar yoki boshqa yuqori tezlikdagi o‘qlardan himoya qilish qobiliyatidir. O‘q o‘tkazmaydigan jiletlarni loyihalash va samaradorligini baholash uchun issiqlik uzatish prinsipi qo‘llaniladi. Masalan, nurlanishning

ba’zi turlari boshqalar uchun shaffof bo‘lmagan materiallar orqali kirib borishi mumkin. Bu shuni anglatadiki, aniqlovchi tizimlar nurlanishning muayyan turlarini aniqlash uchun foydalanilganda ushbu hodisani hisobga olish uchun mo‘ljallangan bo‘lishi kerak. Fizika bizga ekstremal sharoitlarda materiallarning xususiyatlari haqida tushuncha beradi, bu bizga turli xil xavf-xatarlardan etarli darajada himoya qila oladigan materiallarni tanlash imkonini beradi.

Qo‘riqlash tizimlari sog‘liqni saqlash, atrof-muhit monitoringi va milliy xavfsizlik kabi sohalarda bir xil darajada muhimdir. Ushbu tizimlar energiyaning turli shakllari, jumladan radiatsiya, lazer nurlari va elektromagnit maydonlarning zararli ta’sirining oldini olish yoki minimallashtirish uchun mo‘ljallangan. Misol uchun, radiatsiyaviy himoya tizimlari tibbiyot va sanoat sharoitida ishchilarni saraton va boshqa kasalliklarga olib kelishi mumkin bo‘lgan ionlashtiruvchi nurlanish ta’siridan himoya qilish uchun qo‘llaniladi. Ushbu tizimlar ishchilar ta’sir qiladigan nurlanish dozasini o‘lchash va nazorat qilish uchun fizika tamoyillariga tayanadi. Xuddi shunday, lazerdan himoya qilish tizimlari ishchilarni kuchli kuyish va boshqa jarohatlarga olib kelishi mumkin bo‘lgan yuqori intensiv lazer nurlaridan himoya qilish uchun ishlatiladi. Ishchilarni himoya qilishdan tashqari, atrof-muhitni muhofaza qilish tizimlari ifloslanish va boshqa atrof-muhit omillarining zararli ta’sirini yumshatish uchun juda muhimdir. Ushbu tizimlar havo filtrlari, suv tozalash inshootlari va ifloslantiruvchi moddalarning atrof-muhitga tarqalishini oldini olish uchun mo‘ljallangan saqlash inshootlari kabi texnologiyalarni o‘z ichiga olishi mumkin.

Milliy xavfsizlik tizimlari turli tahdidlardan, jumladan, kimyoviy va biologik qurollar hamda elektromagnit shovqinlardan himoya qilish uchun himoya tizimlariga ham tayanadi. Fizika tamoyillariga asoslangan himoya tizimlari elektr stansiyalari va aloqa tarmoqlari kabi muhim infratuzilmani himoya qilish uchun ishlatiladi.

Fizika binolar, ko‘priklar va tunnellar kabi himoya inshootlarini loyihalashda ham muhim ahamiyatga ega. Materiallarning strukturaviy xususiyatlari ushbu tuzilmalarning zilzilalar, bo‘ronlar va shamol bo‘ronlari kabi potensial ofatlarga bardosh bera olishini ta’minlashda muhim ahamiyatga ega.

Xulosa qilib aytganda, fizika aniqlash va qo‘riqlash tizimlaridan foydalanishda asosiy rol o‘ynaydi. U ushbu tizimlarni loyihalash va rivojlantirish uchun zarur bo‘lgan tamoyillar, tushunchalar va nazariyalarni taqdim etish orqali ushbu tizimlar uchun zarur ilmiy asos yaratadi. Fizika,

shuningdek, aniqlash tizimi tomonidan to‘plangan ma’lumotlarni tahlil qilish va sharhlashda ham yordam beradi. Shunday ekan, o‘quvchilarning bilim darajasi va intellektual salohiyatini yanada rivojlantirish, ularni aniq maqsadga yo‘naltirilgan tarzda oliy ta’lim muassasalarida o‘qishni davom ettirishga tayyorlash maqsadida, harbiy-akademik litseylarda fizika fanini o‘qitishda o‘quvchilarining ijodiy fikrlash ko‘nikmasini shakllantirish, ularni tabiatga, fizika darsiga bo‘lgan qiziqishini oshirish maqsadida ijodiy qobiliyatlarini o‘stirish uchun dastavval ushbu fan taraqqiyoti va uning texnikada qo‘llanilishidagi ijodiy jarayonning o‘ziga xos tomonlarini bildirish kerak. Fizikaning ilmiy rivojlanishidagi fikrlash jarayonining o‘ziga xos tomonlarini aniqlash va undagi muhim tomonlarni belgilash uchun klassik mexanikadagi asosiy g‘oya va faktlardan boshlab, kvant nazariya va maxsus nisbiylik nazariyasigacha bo‘lgan fizika taraqqiyotidagi tarixiy ma’lumotlarga murojaat qilamiz. Bunda ilmiy ijodkorlikning fizika sohasida erishgan asosiy eksperimental va nazariy yutuqlariga alohida e’tibor berish maqsadga muvofiqdir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘smirlarni harbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalash hamda O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari va davlat xizmati uchun kadrlar zahirasini tayyorlash tizimini takomillashtirishga oid qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida” PQ-4375-sonli qarori .28.09.2019-y.
2. K.A.Tursunmetov va boshqalar. 10-sinf fizika darsligi.T-2022
3. N.Sh.Turdiyev va boshqalar.11-sinf fizika darsligi.T-2018
4. Internet manbalari.

III секция. АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ИНФОРМАЦИОННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ В СИСТЕМЕ ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ

Семёнова Ирина Владимировна
кандидат юридических наук Санкт-Петербургский военный ордена Жукова институт войск национальной гвардии Российской Федерации ВРИД начальника кафедры,
e-mail 9053202867@mail.ru

БЕЗОПАСНОСТЬ ЦИФРОВЫХ СИСТЕМ ПЕРЕДАЧИ ДАННЫХ КАК ОБЪЕКТОВ ПРЕСТУПНОГО ПОСЯГАТЕЛЬСТВА: ТЕОРЕТИЧЕСКИЙ АСПЕКТ

Аннотация: В статье автором анализируется законодательство, регулирующее правовое закрепление и научное толкование цифровой информации, способы ее передачи. На основе проведенного анализа, автор приходит к мнению, что безопасность цифровой информации непосредственно связано с безопасностью цифровой сети передачи информации. Цифровые системы передачи информации внедряются по всей России, от малого бизнеса до крупных государственных учреждений, чтобы обеспечить безопасность, эффективность и надежность связи. Говоря о безопасности цифровой информации, невозможно обойти стороной безопасность цифровой системы передачи такой информации, поскольку преступления могут быть совершены как с помощью информационной сферы, элементом которой является цифровая система Безопасность систем передачи цифровой информации контролируется различными организациями как на национальном, так и на международном уровне в зависимости от их юрисдикции и сферы деятельности.

Ключевые слова: цифровая информация, цифровая система передачи, безопасность, преступное посягательство, владелец, должностное лицо, доступ к информации

RAQAMLI MA'LUMOTLARNI UZATISH TIZIMLARINING JINOIY TAJOVUZ OB'EKTI SIFATIDA XAVFSIZLIGI: NAZARIY JIHAT

Annotatsiya: maqolada muallif raqamli ma'lumotlarning huquqiy konsolidatsiyasi va ilmiy talqinini, uni tahlil qilish asosida uzatish usullarini tartibga soluvchi qonunchilikni tahlil qiladi muallif raqamli ma'lumotlarning xavfsizligi raqamli axborot uzatish tarmog'ining xavfsizligi bilan bevosita bog'liq degan xulosaga keladi. Raqamli axborot uzatish tizimlari aloqa

xavfsizligi, samaradorligi va ishonchliligini ta'minlash uchun kichik biznesdan tortib yirik davlat idoralariga qadar butun Rossiya bo'ylab joriy etilmoqda. Raqamli axborot xavfsizligi haqida gap ketganda, bunday ma'lumotlarni uzatishning raqamli tizimining xavfsizligini e'tiborsiz qoldirib bo'lmaydi, chunki jinoyatlar raqamli tizim elementi bo'lgan axborot sohasi orqali ham sodir etilishi mumkin.raqamli axborot uzatish tizimlarining xavfsizligi turli tashkilotlar tomonidan ularning yurisdiktsiyasi va faoliyat sohasiga qarab milliy va xalqaro miqyosda nazorat qilinadi.

Kalit so'zlar: raqamli ma'lumotlar, raqamli uzatish tizimi, xavfsizlik, jinoiy tajovuz, egasi, mansabdor shaxs, ma'lumotlarga kirish

SECURITY OF DIGITAL DATA TRANSMISSION SYSTEMS AS OBJECTS OF CRIMINAL ATTACK: THEORETICAL ASPECT

